

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК (3.72.210.)

Эшалиева Дилором Холбобоевна

**Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини
шакллантириш омилларининг педагогик хусусиятлари**

Мутахассислик: 5A118101 - Мактабгача таълим

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимояга тавсия этаман

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ **М.Эсанов**

“Мактабгача таълим” кафедраси

«_____» _____ **2013 йил**

муdiri _____

п.ф.н. в/б доц. Ш.А.Содиқова

Илмий раҳбар _____

п.ф.н. Н.Нурмухамедова

Тошкент – 2013

Мундарижа

КИРИШ.....	3
I.БОБ. ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ЙЎЛИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1.1. Оилада болани шахс сифатида шакллантиришда ҳадис ва ҳикматли сўзларнинг аҳамияти	35
1.2.Оила мустаҳкамлиги йўлида буюк мутафаккирлар ижодининг ноёб дурдоналари.....	44
Боб бўйича хулоса.....	52
II.БОБ. ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....	53
2.1. Бола шахсини шакллантиришда мактабгача таълим муассасаси, оила, мактаб ҳамда маҳалла жамоасининг ҳамкорликдаги фаолиятлари.....	53
2.2.Мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллариининг педагогик психологик жиҳатлари.....	65
Боб бўйича хулоса.....	74
III БОБ. ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ЙЎЛИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ.....	75
3.1. Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш андозаси.....	75
3.2. Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш самарадорлиги.....	85
3.3.Тажриба-синов ишларининг кўрсаткичлари.....	90
Боб бўйича хулоса.....	100
Хулоса ва тавсиялар.....	101
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	105
Иловалар.....	110

Кириш

“Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавий қўргони бўлган оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизни наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим.”

Ислом Каримов.

Президентимиз И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, -“Тарбия соҳаси ислоҳати бугунги куннинг энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммодир”¹. Дарҳақиқат, худди шундай. Биз тарихда мисли қўрилмаган янги жамият қурмоқдамиз. Бу жамиятнинг тамал тошини қўйиш бизнинг зиммамизга тушган экан, уни бажариш масъулиятини тўғри англаш, виждон амри билан адо этиш ғоят мураккаб ва шарафли бурчдир. Зиёлилар бу бурчни қанчалик ифтихор билан адо этсалар, мустақил иморатни пойдевори шунчалик бақувват бўлади. Чунки зиёлилар, айниқса педагогика соҳасининг вакиллари эртамининг умиди, давлатимизнинг келажаги бўлган ёшларни тарбиялайдилар. Тарбия, айниқса инсон тарбияси бугунимиз эмас, балки келажагимизнинг ҳам ҳаёт – мамот ишидир. Ҳозирги ёш авлод тўғри тарбия топса, мустақиллик истиқболини тўғри тушунса, шубҳасиз, эришган ютуқларимиз давомийлиги узилмайди.

Фикримизча, инсонни шахс бўлиб шаклланишига элитувчи психологик сифатларнинг пойдевори оиладан бошланади. Оилаларда ташкил этилаётган тарбия ўзининг туб моҳиятига кўра миллий хусусиятларни намоён этиш билан бирга ижтимоий оила тарбияси ижтимоий педагогиканинг муҳим йўналиши сифатида ўрганилди. Оила, турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади. Ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас балки,

¹ Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.

оиласининг қариндош–уруғлари ва яқин одамларини, қўшнилари омон эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишини биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий кадрийат, инсон қалбининг гавҳаридир. Оиланинг жамият ва давлат олдидаги энг бирламчи ва асосий вазифаси унда вояга етётган фарзандларни баркамол инсон қилиб тарбиялашдир.

Оилада олға етакловчи бош тарбиячи ота бўлиб, унга хос бўлган барча инсоний фазилатлар фарзанд жисмига жо бўлиб бораверади. Шу сабабли ҳам оила бошлиғи ота – она бола тарбияси ҳақида етарлича амалий ва назарий билимларга эга булиши керак. Агар уларда етарлича билим кўникма ва малака бўлмаса у оила аъзосига яъни фарзандларига яхши тарбия бера олмайди. Оиладаги ёмон тарбия фақат оиланининг ўзига хос бўлмасдан балки кўни - қўшни ва маҳаллалардаги тарбияга ҳам салбий таъсир қилади.

Ҳар бир оила унда дунёга келган ва ўсаётган ҳар бир болага ниҳоятда эътибор билан муносабатда бўлмоғи даркор. Ота – онанинг ўз фарзандининг ички дунёсига кириб бориши, ҳатти – ҳаракатининг сабабларини тушуниши, қизиқиши, ҳақартер хусусиятларини англаб боришлари зарур. Бунинг учун эса бола доимо ота – онасининг кузатувида бўлмоғи лозим.

Оилаларда хусусан ўзбек оилаларида тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ўзбек оилаларига хос бўлган хусусиятлардан бири шуки, оилаларда тарбиявий тадбирлар узлуксиз давом этади ва бола онгига тез этади, унинг одоб – ахлоқи, маънавий – руҳий олами бойиб боришига ёрдамлашади¹. Бу жиҳатдан ҳар бир ўзбек оиласи ўзига хос тарбиявий усул ва воситалари билан алоҳида олам сифатида номоён бўлади. Табиийки қайси оилада ота – она маънавий бой, юқори ахлоқли, баланд эътиқодли ва маданиятли бўлса, ўша оилада камол топаётган фарзандлар юрт корига ярайди. Яна бир жиҳати шундаки, оила аъзоларининг турмуш тажрибаси, маданий савияси қанчалик бой бўлса, тарбиявий жараён шунчалик самарали

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-160 б.

бўлади. Шунинг учун ҳам фарзандлар келажакда қандай инсон бўлиб вояга етишлари оила ва оилавий муҳитга боғлиқдир.

Шу сабабли мамлакатимизда ижтимоий – иқтисодий ва маънавий-маданий жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида оила масаласига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Албатта бу бежиз эмас, чунки порлоқ эртамининг тамал тошлари оилада қўйилади. Юртбошимиз Ислон Каримов айтганларидек: «Халқимиз қадим- қадимдан оилани муқаддас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва бар қарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги-миллий фаровонлик асосидир». Демак, мамлакатимизда оила фаровонлигини таъминлаш давлатимизнинг асл мақсадидир.

Муаммонинг долзарблиги:

Мамлакатимизда 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Давлат дастури»нинг қабул қилиниши ва амалиётга тадбиқ этилиши, Олий Мажлиснинг ХІ сессиясида кенг умумхалқ муҳокамасидан сунг «Оила Кодекси» нинг бир овоздан қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сонли қарорига биноан Республика «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги ҳукуматимиз томонидан оила фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва бар қарорлигини таъминлашга бўлган эътиборидан далолатдир.

Оилалар маънавий қомолати ҳақида юртбошимиз қайғурар экаанлар, оилаларни миллий маънавиятимизга хос бўлган гўзал урф – одатлар ва ота – боболар фикрлари билан қуроллантириш лозимлигини айтиб ўтадилар. Оила унда қомол топаётган фарзандлар келажакда юртнинг, миллатнинг эртасини ҳал қилувчи кучи эканлиги чуқур англаган ота – боболаримиз ўзларининг авлодларига бой маънавий мерос қолдирганлар. Бизнинг заминимизда яшаб

иждод этган, дунё илм-фан хазинасига беадад улуш кўшган ал-Хоразмий, ал-Беруний, Аҳмад Фарғоний, ал-Фаробий, ибн Сино, аз-Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Мухаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий каби алломалар илмий меросини ўрганмасдан, таҳлил этмасдан туриб биз оилада фарзандларимизни шахс сифатида шакллантирувчи омиллар ҳақида батафсил фикр юрита олмаймиз.

Оила тарбиясидаги болалар ҳаётини тўғри уюштириш, уларни вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишнинг асосий гарови эканлигини ота-оналар ўз фарзандларига ўқитишлари лозим. Оила тарбияси масалалари бўйича махсус Абу Али ибн Сино «Тадбир ал-манозил» номли асарини ёзган. Унда олим ота-онанинг болаларни тарбиялашдаги вазифаларини ёритган. Асарда оилада ота-онанинг вазифаси ва бурчига ва оила муносабатларига тўхталар экан, айниқса ота-оналарнинг оилада меҳнатсеварлиги билан фарзандларини касб ва ҳунарга ўргатиш борасида муҳим фикрлар баён этади. Ибн Сино тарбиявий қарашларида оила ва оилавий масалаларига кенг ўрин берилган. Ота оилада ўз фарзандларига ҳар томонлама юриш-туришда, нутқ одобида, сўз маданиятида, ўзаро муомала жараёнида энг муҳими амалий иш фаолиятида тўғрилиқ ва ҳаққонийлик, самимийликка намуна бўлмоғи керак. Оилада фарзанд тарбиясининг тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эъти қодни шакллантириш, деб ҳисоблаган эди олим.

Юсуф Хос Хожиб «Қутатғу билиг» асарида оилавий маиший турмуш муаммоларига ҳам катта эътибор беради. У кишиларни уйланиб, оила қуришидан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарурий вазифаларини бирма - бир баён этади. Ота-оналар назоратида бўлган боланинг маъсулият ҳисси ривож топади. Шу сабабли ҳам бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар танлаган тўғри йўл фарзандларининг келажаги, камолоти учун

ниҳоятда муҳимдир. Жамиятда фарзандлари ҳуқ атворига қараб ота-оналарига баҳо беришни айтиб уларни огоҳлантиради.

Муҳаммад Содик Қошғарий «Одоб ас-солихан» асарида уйланадиган йигит никоҳдан олдин уйланмоқчи бўлган қизини кўрмоғи, уйланадиган қизининг бокира бўлмоғи ҳамда тўрт нарса умрда, қоматда, молда ва насабда эрдан паст ва тўрт нарсада, ҳуснда ва жамолда, ҳуқда, адабда ва иффатда эрдан юқори бўлиши зарурлигини, таъкидлайди¹. Бу фикр турмушда тинч ва тотув яшаш, оилада эр-хотин муносабатларида катта аҳамиятга эга.

Давонийнинг фикрича: «Ота-она болага жамиятда мавжуд бўлган ҳуқ-одоб қоидаларини сингдиришга, юриш-туришга, ейиш-ичиш, ўз қилмиши учун маъсулиятни сезиш, ширинсуханд бўлиш, яхшилик, эзгулик каби ахлоқ қоидаларини эгаллашига ёрдам бериши лозим». Рудакий оилада бола тарбияси, ёш авлод камолотида ота-онанинг бурчи ҳақида ҳам муҳим фикрларни илгари суради. Чунончи рубоийлари замонасидаги аксарият одамлар, хатто маърифатли зотлар ҳам фарзандларининг тарбиясига эътиборсизлик билан қараб, донишманднинг боласи жохил бўлиб қолаётганлигидан афсусланади. Бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун оила муҳитида ота-оналар билан болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлиши лозим. Инсон туғилган пайтиданок тарбияга муҳтождир. Унинг илк тарбиячилари албатта ота-онасидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:

Бугунги кунда оилани мустаҳкамлаш йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари педагогик тадқиқотларнинг асосий йўналишларини ташкил этиб, ҳозирда республикамизда бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, оилада бола тарбияси ва унда ота – онанинг ўрни ва рўлини аҳамиятли томонларини жиддий эътибор

¹ Аҳмедов Б. Аждодлар уғити.- Т.: Чўлпон, 1991.- 113 б.

бериш масалалари бўйича О.Мусурмонов, М. Иномова, А.Зуннунов ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар ва бу йўналиш комолотига етарли хисса қўшганлар.

Уларнинг ишларини давом эттирган ҳолда кузатишлар олиб бордик. Кузатишлар натижаси шуни кўрсатдики, ёшларда хусусан, мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш масалаларини ёритиш бизнинг бош мақсадимиздир. Айнан шунинг учун ҳам тадқиқот мавзусини “Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг педагогик хусусиятлари” деб танладик.

Тадқиқотнинг мақсади: Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг методик иш тизимини яратиш ва илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари: Мавзуга оид фалсафий, педагогик ва методик манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида оилада болалар шахсини шакллантириш омиллари педагогик муаммо эканлигини асослаш.

- Оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг амалиётдаги аҳволини ўрганиш.

- Мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясини шакллантириш омилларининг тизимини ишлаб чиқиш.

- Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш оила ва мактабгача таълим муассасалари ҳамкорлигининг самарадорлигини аниқлаш, тадқиқот натижалари асосида илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари жараёни.

Тадқиқот предмети: Мустаҳкам оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш мазмуни.

Тадқиқотнинг илмий фарази:

- Оилани мустаҳкамлашда мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг назарий амалий асослари аниқланса;

- Оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг зарурий шароитлари яратилса;

- Мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари таълим жараёнининг янгича мазмуни, замонавий шакл ва методлари аниқланса;

Тадқиқот методлари:

- мавзуга оид илмий-назарий адабиётлар;

- назарий- педагогик таҳлил;

- педагогик кузатиш;

- савол - жавоб;

- сўровнома;

- тест;

- анкета;

- мониторинг;

- педагогик-психологик ташхис;

- педагогик тажриба;

Тадқиқотнинг метадологик асослари:

"Кадрлар таёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисидаги қонун", "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" ва шарқ мутафаккирлари қарашлари, илмий - педагогик, ижтимоий - психологик, тарихий - фалсафий манбалар.

Тадқиқот босқичлари:

2011-2013 йилларда олиб борилди ва у уч босқичда амалга оширилди.

1). Қидирув назарий босқич. (2011 йил ноябрдан- 2013 йил майгача) Бу босқичда мавзуга оид педагогик ва методик адабиётлар, авторефератлар ўрганилди.

2). Экспериментал босқич. (2012 йил майдан- декабргача) Бу босқичда дастлабки тажрибалар умумлаштириб олинади, тадқиқ этилаётган муаммони қамчиликларни аниқланади. Аниқловчи тажриба натижалари таҳлил қилинади, тадқиқот тизими назарий жиҳатдан ишлаб чиқилади.

3). Тажрибани умумлаштирувчи босқич. Оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларини назорат қилиш бўйича тажриба-синов ишларини амалга ошириш, тадқиқот материалларини тизимлаш, хулоса ва тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқот илмий янгилиги:

1. Оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари, назарий ва амалий мавжуд ҳолат асосида таҳлил қилинади;

2. Оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг педагогик – психологик ташхиси амалга оширилади;

3. Мактабгача ёшдаги болалар таълим - тарбиясини шакллантириш омилларининг мазмуни ва методлари аниқланади.

4. Мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясини шакллантириш омилларининг модел ва методик йўриқномаси ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти: Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари йўналишининг ўзига хосликларини, яхлит моделини ишлаб чиқишни ташкил этиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамият: Шундан иборат бўладики, мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларини амалиётда кенг жорий этишда диссертация материаллари бой назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий педагогик хулосалар методик тавсиялар Оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари тизимини амалиётга кенг жорий этиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиси ва асосланганлиги: Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари мазмуни йўлида етакчи ғояларни асосланганлиги педагогик – психологик ёндошувчиларнинг таъминланганлиги, муҳим қоидаларнинг методологик асосланганлиги материалларни миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил этилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши: Муаммога фалсафий ва илмий-педагогик ёндошув тадқиқот предмети, мақсади, объекти, вазифалари ва илмий фаразларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланиш, тажиба-синов ишларини талаб доирасида ташкил этилиши, шунингдек, мавзу юзасидан чоп этилган илмий ишлар мазмунига кўра тасдиқланди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, 3 - боб, 7-параграф, умумий хулоса ва методик тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ОИЛАНГИЗ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Зикрилла Неъмат

Ҳаёт ибтидоси - ишқу вафодир,
Одам Ато бирла - Момо ҳаводир.
Муҳаббат қуёши - қалбга даводир,
Ғам - алам бўлмасин, фироқ кам бўлсин,
Дўстлар, оилангиз мустаҳкам бўлсин !

Юракка жо айлаб Садоқат байтин,
Алвидо деб эмас , салом деб айтинг,
Ҳамиша Меҳрнинг касрига қайтинг .
Қувонч-у шодликлар жамулжам бўлсин,
Дўстлар, оилангиз мустаҳкам бўлсин !

Отабегин жондан севгандек Кумуш,
Ўз жуфтин ардоқлар кимда бўлса ҳуш.
Ишққа ёр кўнгилнинг ҳар дами сарҳуш ,
Нозу адосидан дил хуррам бўлсин ,
Дўстлар, оилангиз мустаҳкам бўлсин !

Мустаҳкам оила – Ватан Қўрғони,
Меҳр – ла улғаяр қизу ўғлони ,
Шулардир юртимнинг асл қалқони,
Хасадгўй ғанимлар кўзи нам бўлсин ,
Дўстлар, оилангиз мустаҳкам бўлсин !

Эй менинг мунису меҳрибоним халқим,
Қуёшдай меҳрингдан ловулар қалбим.
Эзгу тилакларга бор менинг ҳаққим,
Бахтимиз сурури бир олам бўлсин ,
Дўстлар, оилангиз мустаҳкам бўлсин !

I.БОБ. ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ЙЎЛИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Оилада болани шахс сифатида шакллантиришда ҳадис ва ҳикматли сўзларнинг аҳамияти

«... оила соғлом экан – жамият мустаҳкам,
жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир»

Ислом Каримов

Фарзанд тарбияси оиланинг энг муҳим ва муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳар бир ота – онанинг зарур фуқаролик бурчига айланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, ўзбек оиласини мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида аниқ йиллар оила ва оилавий тарбияга бағишланди: 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб номланди. Мазкур йилларда қабул қилинган дастурларнинг бош вазифаси оила тарбиясини янада мустаҳкамлаш бўлди. Ислом Каримов оила тарбиясининг ўта муҳим жиҳатларини таъкидлаб: «Маълумки ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимиз – ёшлик чоғидан маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этади», - дея уқтирган эди. Давлатимиз раҳбарининг оила тарбиясида олға сурган мазкур ғоялари баркамол, соғлом авлодни тарбиялашга замин яратади. Мактабгача ёшдаги болаларни оилада тарбиялаш анча мураккаб жараён, бунда бола туйғуларини ҳис этиш, унга инсоний фазилатлар ҳақида дастлабки билимларни сингдириш, уни соғлом ва бахтли қилиб вояга етказишнинг илк асослари қўйилади. Таъкидлаш жоизки, ота – оналар ўз фарзандлари тарбиясида кўпгина қийинчиликларга учраб

туришларининг асосий сабаби уларнинг педагогик адабиётлардан етарлича хабардор эмаслигидадир. «Оилада баркамол авлод тарбияси» ўқув қўлланмаси кўп йиллик тажрибаларга суянган ҳолда миллий ва умуминсоний кадриятлардаги мавжуд ғоялардан озиқ олиб, оилада мактабгача ёшдаги болалар тарбиясини амалга оширишнинг ҳаётбахш жиҳатларини ёритишга, ушбу соҳада мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатларини тақдим этишга қаратилган. Унда оила ривожланишининг тарихий илдизлари, ўзбекона оилавий тарбия санъати, мутаффаккирларнинг оилада бола тарбиясига оид қарашлари, таълимотлари ўз ифодасини топди. Қўлланмада болаликнинг сирли олами, унинг улғайиш пиллапоёлари, болани ҳомила давридан бошлаб ўстириш ва улғайтиришнинг зарурий омиллари, болани оилада боғчага тайёрлаш, фарзанд ва теvarак – атроф, тани соғлиқ – туман бойлик, фарзанд тафаккурини тарбиялаш сирлари каби масалаларнинг мазмуни, моҳияти ҳамда ота – оналарнинг саводхонлигини оширишга қаратилган фойдали маслаҳатлар берилган.

Шарқда оила, оила қуриш, унинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, барқарорлигини таъминлаш инсоннинг ўз миллати, аждод – авлодлари ва жамият олдидаги энг муқаддас бурчларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида маълум бир вазифаларни бажаради. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида замонавий оиланинг бажарадиган вазифалари кўлами янада кенгайди.

Оиланинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариш нафакат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий соғломлигига ҳам таъсир этади.

Болалар тарбиясида ота – онанинг ўзаро мунособатлари катта аҳамиятга эга. Бизнинг жамиятимизда эр ва аёлнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланган. Шу сабабли ота – оналар болаларини тарбиялаш йўлида кўпроқ қалб қўри билан меҳнат қилишларига тўғри келади. Ота – оналарнинг болаларга кўрсатадиган тарбиявий таъсирларида зиддиятнинг мавжуд бўлиши ички оилавий низолар туфайлидир. Ота – оналарнинг билими, тажрибасидаги уйғунлик ва

ҳамжиҳатлик болаларга тарбиявий таъсир кўрсатишини барчамиз яхши биламиз. Болалар маънавий дунёсининг ўзига хос хусусиятларидан бири катталарни обрўли сиймолар деб билишлари, уларнинг маслаҳатларини кадрлашларидир¹.

Оилавий тарбияда, айниқса, ўзбек оилаларида отанинг обрўси ниҳоятда кучли, чунки оилада эркак ҳамма вақт оила таянчи, устуни бўлиб келган.

Шу сабабли, оилада ўғил доимо отасига ўхшашга интилади, унинг ҳатти – ҳаракатига тақлид қилади. Ота – она шахсий намунаси болалар учун кўргазмали ҳаёт дарсидир. Отанинг онага, она меҳнатига, жамиятга, жамият аъзоларига бўлган муносабати бола қалбида яхшилик ёки ёмонлик, маъқул ёки номаъқул ишлар ҳақидаги дастлабки тушунчалари вужудга келтиради.

Бола одатда кўп вақтини оила даврасида ўтказади ва катталарнинг ҳатти – ҳаракатлари, ўзига хос хусусиятларини осонлик билан қабул қилади. Бу ҳатти – ҳаракатлар ҳаётий ўйин жараёнидир.

Оилавий тарбия ота – оналарнинг ўз фарзандларига меҳр – муҳаббатли бўлишларига ва болаларнинг Ота – оналарини севишларига асосланганлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Ота – оналик масъулияти қанчалик муҳим бўлса, фарзанднинг ота – она олдидаги бурчи ҳам шунчалик муҳимдир. Ота – онани ҳурмат қилиш, уларнинг дилини асло ранжитмаслик, итоатли бўлиш, кексайишганда моддий ва маънавий қўллаб – қувватлаш, улар қурган оила деб аталмиш қалъанинг ахлоқий – маънавий пойдеворини мустаҳкам сақлаш, ота – онанинг дўсту – қариндошларини ҳурмат қилиш, оламдан ўтганларидан кейин ҳам уларнинг хотираларини ёдга олиш ва кадрлаш фарзанднинг бурчидир.

Фарзанд – оиланинг қувончи, ота – онанинг таянчи, жамиятнинг ҳаётбахш кучи. Фарзанд умр меваси, оила фаҳри, бахти ва келажагидир. Оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, унда жамиятнинг бўлғуси эгалари

¹ Мастерство и личность учителя. Е.И. Пассова и др. – М.: Наука, 2001. – 240 с.

тарбияланади. Оила – бола учун дастлабки ҳаёт мактаби. Ота – она эса боланинг биринчи тарбиячиларидир.

Оилада каттага ҳурмат кичикка иззатда бўлиш қондаси кундалик одатга айланиб бориши керак. «Қуш уясида кўрганини қилади», - дейди халқимиз. Барча ота – она ўз фарзандини севади. Фарзандининг ҳар бир ютуғи ота – она кўксини тоғдек сарбаланд қилади, уларнинг қалбида фахр ва ғурур туйғуларини уйғотади, жўш урдиради. Ота – онанинг оилада тутган ўрни, нуфузи фарзанд тарбиясида катта аҳамиятга эга. Бу нарса асло мансаб билан белгиланмайди. Энг яхши обрў ва эътибор ҳалол меҳнатдадир. Ҳалол меҳнат билан жамиятда орттирилган обрў оилада фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Янги авлодни ёшлигидан аниқ мақсад билан тарбиялаб бориш зарур. Оила болани жамият ҳаётига тайёрлайди. Болани ёшлигидан бошлаб оилавий одоб – ахлоқ қоидаларига риоя қилишга одатлантириш, яхши хулқ – атвори бўлишга ўргатиш ота – она учун ҳам қарз, ҳам фарз. Улар болаларда ёшлигидан бошлаб кишиларга меҳр – муҳаббатли, иззат – ҳурматли бўлиш, инсоннинг қадрига етиш, эъзозлаш каби ижобий хислатларни тарбиялаб боришлари зарур.

Аждодларимиздан қолган педагогик қадриятлар ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган. Ўзбекистон оила давлат таянчига айланган. Президентимиз И.Каримов айганларидек: «Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт.» Миллий қадриятларимизга асосланган ҳолда амалга оширилаётган барча ислохотлар инсонга, унинг оиласи манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

1993 йил 20 сентябрда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеяси йиғилишида 1994 йилдан бошлаб 15 майни Халқаро оила куни сифатида нишонлашга қарор қилинди. Бу қарорни қабул қилишдан мақсад, инсон учун бахт – саодат, меҳр – муҳаббат маскани, ирода бағишловчи паноҳгоҳ оғир кунларда юпанч ва таянч бўладиган муқаддас дорил фунун – оиланинг мустаҳкам ва фаровон бўлишига барчанинг эътиборини жалб

этишдир. Бу жараёни амалга оширишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан оила масалаларини ҳал этишнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагилар илгари сурилган: оиладаги эр – хотиннинг тенглиги, меҳнат фаолиятида аёлларнинг тенг иштирок этиши, бола тарбиясида ота – она масъулиятининг баробарлиги, ночор, кам таъминланган ва кўп болани оилаларга давлат томонидан доимий равишда ғамхўрлик қилиш ва бошқалар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Аёلسиз оила, оиласиз давлат ва жамият бўлиши мумкин эмаслиги амалий исботини топди. Оиланинг тинч – тотувлиги, мустаҳкамлиги, баркамоллиги ҳамда фаровонлиги давлат ва жамият тараққиётининг асосий омили эканлиги кенг жамоатчилик томонидан эътироф қилинди.

Президентимиз ташаббуслари билан 1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб номланиши, шу муносабат билан Вазирлар маҳкамаси томонидан махсус Давлат дастурларининг қабул қилиниши ва амалиётда жорий этилиши оиланинг мустаҳкамланиши учун қулай шарт – шароит яратмоқда.

Оилада амалга ошириладиган тарбия мазмуни фарзандда ўз ота – онасидан, оиласи, аجدодлари тарихидан, ўзи туғилиб ўсган ўлкаси, ватани, миллати, халқи, тили, дини, анъаналаридан ғурурланиш ҳиссини шакллантирмоғи керак. Ота – онанинг бурчи ўз фарзандларининг бахтли келажагини таъминлашни кўзлаб, уни жамиятга наф келтирувчи соғлом, баркамол шахс этиб тарбиялашдан иборат. Эр – хотин ёхуд ота – она оиланинг асоси, таянчи ва устунларидир. Эр – хотин ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳамкорлик ва ҳамфикирлик, иззат – икром ҳамда муносабатлар самимийлиги – оила мустаҳкамлигини таъминловчи, зомин фарзанд учун намуна мактабидир¹. Ота – онанинг ўз вазифаси ва бурчлари мавжуд бўлиб, уларга тўлиқ амал қилган эр – хотин аҳил, иноқ бахтли турмуш кечиради. Оилада ота – онанинг вазифаси, аввало, фарзандларига

¹ О.У.Хасанбоева таҳрири остида “Оилада баркамол авлод тарбияси”, ўқув қўлланма “Фан ва технология”. Т: 2010 йил. 5 – 26 – бетлар

нисбатан муносабатда самимийликни таъминлаш, турли низолар келиб чиқишининг олдини олишдан иборат.

Эрнинг тоганини исроф қилмасдан, режалаб сарфлаш хотиннинг вазифасидир. Оилада отанинг ҳалоллиги, ростгўйлиги, адолатлилиги, тадбиркорлиги, қаттиққўллиги оила мустаҳкамлигининг асосий мезонидир. Оила боқаётган отани кўрган ўғил келгусида ўзи мустақил оила тебратишга, ота топиб келган нарсаларни саранжом саришта қилиб, тежаб – тергаб сарфлаётган онани кўрган қиз эса келгусида оила бекаси бўлишга тайёр бўлиб борадилар. Отадаги ишбилармонлик, тадбиркорлик, муомала маданияти, босиқлик, талабчанлик, кўп ҳунарлилик, ҳалоллик, оиласига, хотинига нисбатан садоқат ҳам шу оилада ўсаётган фарзандлар учун намуна мактабидир.

Инсон аслида бахт ва эзгулик учун дунёга келади, шу орзу – умид билан яшайди. Лекин бу билан иш битмайди, у шу ниятига етишиш учун ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши, яхшилик кўриши учун яхшилик қилиши лозим. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида эл – юрт ичида иззат ҳурматга сазовор бўлишида, юксак ахлоқ – одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий ўринни эгаллайди. Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф – одатлар, ахлоқий – маънавий қадриятлар сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маънавий ҳаёт пойдевори қўйилади ва мустаҳкамланади. Юртбошимиз айтганларидек, халқимиз қадимдан оилани муқаддас деб билган¹. Ахир оила ахил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Оилада тарбиянинг негизларига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.

Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етуклигининг гаровидир.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобланадиган аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилада ва таълим тизимида ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган муҳим ишларнинг негизида ҳам айнан шу ғоя ётибди¹.

Инсон бўлиш буюк санъат бўлгани каби оила юритиш ҳам нафис бир санъатдир². Аёл эса, она шу нафис санъат асарининг муаллифидир. Турмушда турли ҳолатлар содир бўлиб туради, яъни эр – хотин бир – бирини тушунмаслик оқибатида келишмовчилик, ҳаёт ташвишлари кабилар юз берган вазиятда аёл бир оз сабр, вазминлик билан иш юритса бу келишмовчиликлар яхшилик билан тугаши муқаррар. Шошқолоқлик, тезоблик, тезда аччиқланиб, талашиб – тортишиши каби ишлар ҳеч кимга обрў келтирган эмас. Чунки бундай масъулиятли вазифани бажаришда аёлнинг роли каттадир. Аёл киши осойишталик, ором, латофат, меҳр – муҳаббат рамзидир. Буни ҳар бир аёл тўғри тушуниб олмоғи лозим. Ақлли аёл доимо ораста, хушмуомала бўлиб, оила аҳволини яхшилайти ва эрининг молига – мол қўшади.

Оила ҳаёти, унинг равнақи ва камоли кўп жиҳатдан эр – хотин одоби билан белгиланади. Эр – хотин одобининг асоси ва мезони ўзаро меҳр – муҳаббат ва садоқат, ширинсуханлик, самимийлик, бир – бирига ишонч ва фидойилик, иноқ ва шарм – ҳаёдир. Бу қадимий анъана оилани мустаҳкамлаш ва уни бахтли бўлишининг муҳим воситасидир. Ота – она оиланинг сарвари, файз баракати, зеби зийнатидир. Шунинг учун ҳам эр –

¹ О.Мусурмонова “Оила маънавияти – миллий ғурур ” Т: “Ўқитувчи” 1999 йил. 42 – 43 б

² Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. (психологические проблемы). – М.: Дело. 1994. – 215 с.

хотин ўз одоби, обрўси ва оилада тутган мавқеи, ҳалол меҳнати билан ўз фарзанларига намуна бўлмоғи лозим.

Оилани мустаҳкамлашда қиз ва йигитлар бир - бирлари билан инок яшаши, бир – бирларини ҳурмат ва иззат қилиши, қизларимиз эса ифбатли фазилатларга эга бўлишлари лозим. Оилани мустаҳкамлашда ҳақиқий дўстларни ажрата билиш керак. Дўст шодликларда бирга бўлувчи, оғир кунларда маслаҳатчи, аҳду паймонларга вафодор бўлувчи кишилардир. Дўст – душман яхши кунларда эмас, балки оғир кунларда синалади.

Доно халқимизнинг «Оилалар мустаҳкам бўлган равнақ топган мамлакат кудратли, бой ва фаровон бўлади», дейиши бежиз эмас.

Иқтисодий ва маънавий тенгликдан қутулишнинг энг муҳим омилларидан бири оиланинг мустаҳкам бўлишидир. Яхши оила аъзоси яхши раҳбар, яхши мутахассис тарбиячи ва мураббий ҳисобланади. Оилавий ҳаёти нотинч бўлган яхши мутахассис қанча тиришмасин, фаолият кўрсата олмайди. Истиқболли мутахассис бўлиши учун яхши оила соҳиби ҳам бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ёш йигит қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳар бир олий билимгоҳ ва меҳнат жамоасининг асосий вазифаларидан биридир. Фикримизча олий билимгоҳларда никоҳ ва оила ҳуқуқини кенг ҳажмда ўқитиш зарурияти ҳаёт талабидир. Шундай қилинганда оила мустаҳкам ва бахтли бўлиб, тирик етимларнинг пайдо бўлишига чек қўйилади, деган умиддамиз¹.

Ўзбекларда ўз шахсий фаровонлигидан кўра оила шаънининг баланд тутилиши, қариндош – уруғлари ва яқин одамларига, қўни – қўшниларига ғам хўрлик қилишни биринчи ўринга қўйилиши – олий даражадаги қадрият бўлиб, ўзбек қалбидаги бу гавҳарлар оилавий муҳитни самимиятга йўғдиришга, оилани ташқи муҳит билан боғлашга ва мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади. Оила интизоми – жамият ва давлат интизомининг сарчашмаси. Оилада интизом туйғуси шаклланган давлат ва жамият ишида ҳам шу туйғу соҳиби сифатида хизмат қилади, давлат

¹ Восиқова М. Оила ва қонун. – Т.: “Адолат”, 1996. – 21 – 34 – б

конунларига чап беришни хаёлига ҳам келтирмайди, ҳар бир ишни ўз жойида ва ўз вақтида белгилаб тартиб асосида бажаради. Бундай интизом ва тартиб бутун – халқ ва миллатнинг шарафига айланди. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади. Ўз – ўзидан равшанлашадики, оилавий тартиб – интизом муаммолари унинг ҳуқуқий вазифаларини белгилайди. Бунда, энг муҳими, оиланинг ҳар бир аъзосига хос ички интизом маданияти, ўз бурчи ва масъулиятини англаши билан бирга улар оилавий муҳитда ўз ўрнини белгилай олиши, оилавий муносабатларни ҳурмат қила билиши, оила иқтисодий имкониятини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши оила манфаатдорлигини таъминлашга интилиши, оила шаънини шарафлаши, хуллас оилада ўз шахсий ҳаловатини ҳис қилмоқ учун ҳалол ва самимий бўлмоққа эришиши зарур¹. Бола тарбияси ҳифзи сиҳҳату илми ахлоқ, илми руҳи шариат қоидаларидан кўп нарсалар билишга ва кўп тажрибалар ҳосил қилишга зарурат бўлганидан қисқача бўлса, ҳам бу нарсалар ҳақида бир қадар маълумот бериш ва шу маълумотни кундан – кунга орттириб боришга тиришмоқлик хотинлар зиммасидаги вазифалардандир. Болани вақтли ухлатиш, заруратга қараб ювинтириш, кийимлари ва танасини пок тутиш, гўзал хулқларга одатлантириш, атак – чечак қилишидан бошлаб, то тили чиққунга қадар алоҳида эътибор бериш лозим.

Бола тарбияси ёмон ният ва қўполлик билан эмас балки сабр – тоқат, меҳрибонлик, шафқату сезгирлик билан ўз ҳолига қўйиш лозим деган гап чиқмайди. Зарар билан фойдани айира олмаган ёш гўдакни назоратсиз тутиш катта хатоликдир. Балки уни қаттиқлик билан юмшоқлик ўртасида адолат билан тарбия қилмоқ керакдир².

Оила асли арабча «аёлманд, ниёзманд» маъноларини англатувчи «оил» сўзидан чиққанлиги «фарҳанги забони тожики» да қайд этилган. Оила инсон учун муқаддас даргоҳ бўлиб, у инсонларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий,

¹ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – 22– 23–б

² Оила бир гулшанки Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълим Вазирлиги нашрга тавсия этган. Т.: Ўқитувчи, 1996. – 9 б

хуқуқий ва маънавий муносабатлари замирида юзага келган. Оила тақдири унинг расмий тус олиш лаҳзасидан бошланади, шундагина эр хотин олдида, хотин эр олдида улар ота – она сифатида фарзандлару қавму қариндошлар, маҳалла кўй, қисқаси жамият олдида, ўз навбатида фарзандлар ҳам ўз ота оналари ва эл – юрти олдида масъулият сезадилар ва бурчли эканликларини ҳис қилиб яшайдилар.

Оила жамият ичидаги кишилар бирлиги сифатида шу жамият низомлари асосида яшаса – да, оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодисадир, унинг ички ишлари унда яшовчиларнинг ўз шахсий юмушлари ҳисобланади, оила ишларига бировнинг аралашувига ҳаққи йўқ, шу маънода оила жамиятнинг муқаддас ва дахлсиз уйидир ёхуд бошқача қилиб образли ифодалаянда, оила мустақил мухториятдан иборат салтанатдир. Бу салтанатнинг подшоҳи – ота, вазири – онадир. Оила жамият таркибида экан, оилавий муносабатлар ҳам шу жамиятга мансуб ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – мафкуравий ва маънавий – ахлоқий муносабатлар замирида ва таъсирида кечади, шу жараёнга хос ўзгаришлар асосида ўзгариб, ё такомиллашиб, ё маҳдудликка гирифтор бўлган тақдирда таназзулга учраб бораверади.

Аёл – оила отлиқ ҳаёт иморатининг иккинчи буюк устунидир. Зеро, оила қуриш тараддуси келинликка муносиб қиз танлашдан бошланаркан, оиланинг келажакда мустаҳкам бўлиши бўлажак келиннинг ақлу фаросатига, меҳнаткашлигига, ҳалим – ҳазимлисига, ички оламининг бойлигига, тадбиркорлигига, хулқ – одобига, самимийлигига ва покизалигига тўғрилиги ва ростгўйлигига, дилбарлиги ва дилкашлигига, пазандалигига, чеварлигига, ҳаё ва ибосига, одамлар билан муносабатига, ҳусну ҳаловатига, меҳру – садоқатига алоҳида эътибор берилади. Бунда наслу насабининг тозаллиги, ота – онасининг эл – назаридаги эътибори ҳам аҳамиятга эга бўлади¹.

¹ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 2009. – 14– 19– 54– б

Оила – анъанавий тарбиянинг асосий институти бўлиб ҳисобланади. Бола ёшлик даврида оилада олган таълим – тарбиясини бутун умри давомида сақлаб қолади.

Бола ҳаётини асосий қисмини оилада ўтказади, ўзининг таъсир кучига кўра ҳеч қандай тарбия воситаси оила билан беллаша олмайди. Оилада бола шахсини асослари таркиб топдирилади, мактабга борганда эса бола шахс сифатида шаклланган бўлади.

Оила болаларга инсоний ва салбий таъсир этиш омили бўлиши мумкин¹. Бола шахсига ижобий таъсир этиш шундан иборатки, оилада болага энг яқин инсонлардан – ота – она – буви – бува – ака – опалардан ташқари ҳеч ким улардек болани яхши кўриб, у ҳақида қайғурмайди.

Шу билан бирга бола шахсини шакллантиришга, уларга тарбия беришда оила салбий таъсир ҳам кўрсатиши мумкин.

Оила – бу ўзига хос жамоадир, у тарбияда асосий ўринга эгадир. Оилани ўзига хос тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, оилани болага ижобий таъсирини ошириб, салбий таъсирини камайтириш зарур. Бунинг учун эса тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, ички оилавий ижтимоий – психологик омиллари аниқ белгилаш лозим.

Оилада бола шахсини шакллантиришда оила бошлиқлари билан болаларнинг ўзаро яхши муносабати, хонадон қарияларига ҳурмат, эътибор, оиладаги болаларнинг ўзаро муносабатлари тўғри тарбиялангани ота – онанинг болалар тарбиясига баробар жонкуярлиги, оилада ўрнатилган тўғри тартиб ва яхши одатлар, ота – онанинг меҳнатга ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига тўғри муносабатда бўлишлари муҳимдир. Бола шахсини шаклланишида соғлом оилавий муҳит катта аҳамиятга эгадир. Оилада ота – оналар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва вафо – садоқат болалар қувноқ,

¹ Маркова А.Н. Психология труда учителя. (Кн. для учителей). – М.: Просвещение. 1993. – 190 с.

хушчакчақ ўсишларига, нормал тарбияланишларига, хонадонда соғлом муҳит яратилишига бевосита таъсир кўрсатади¹.

Бола тарбиясининг асосида оиладаги инсоний муносабатларнинг қарор топиши ётади. Оилавий муносабатлар бу турли ёшдаги, турли жинсдаги, турли характердаги кишилар ўртасидаги, билим даражаси турлича бўлган ва турли мутахассисликка эга бўлган кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларни синаб кўриш ва уларни мустаҳкамлаш учун ўзига хос бир «майдондир». Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, оилада, энг аввало, ахлоқий тарбияга эътибор берилади. «Нима ёмон, нима яхши?», «Одобли бўл, одобсизлик қилма» деган сўзлар оилада кўп ишлатилади.

Шахс, энг аввало, оилада шакллана боради. Мактабда боланинг шахс сифатида шаклланиши давом этади. Ҳамма нарсани бошланиши қийин, мураккаб ва зиддиятли бўлганидек, у ёки бу шахснинг ким эканлигини англашдаги хусусиятлардан бири – унга баҳо беришдаги ҳар томонламалик, кўп қирралилиқдир. Жумладан, мактабда шахсга баҳо беришдаги асосий мезон унинг ўқишдаги ва жамоат ишидаги фаоллиги билан боғлиқ. Боланинг маънавий – ахлоқий фазилатлари эса гоҳида иккинчи даражали масала сифатида қаралади. Зеро, боланинг ўқиши, жамоат ишида иштироки ва хулқи – атвори, юриш – туриши ва ҳатти – ҳаракати биргаликда олиб қаралгандагина бола шахсига ҳар томонлама ёндашилган бўлади.

Оилавий тарбияда болани шахс сифатида тан олиш жуда муҳимдир. Бунинг учун шахс деганда нимани тушунамиз, унга қандай таъриф берилади? Буларни билиб олиш зарур. Шахс ҳақида жуда кўп фикрлар мавжуд. Масалан, Бенджамин Спок шахс «йўқ» деган сўздан бошланади, деб айтган эди. Бошқа бир олим, шахс ўзидан ташқарида таассурот қолдириш қобилиятига эга эканлигини тан олишдир, дейди. Яна бири, менинг ўз

¹ Хасанбоева О. ва бошқ. – Оила педагогикаси. – Т.: Илм Зиё, 2007. – 116– 119– б

меҳнатимга тарихий маданият нуқтаи – назаридан қараладиган бўлса, у ҳолда мен фикрлайман, демак мен инсонман, дейди.

Шахс – бу инсоннинг ўз – ўзига, ўзга кишиларга, жамиятга, атроф муҳитга, ўз замонасидаги нарса ҳодисаларга бўлган қараши, инсоннинг ҳатти – ҳаракатида, унинг фаолиятида ифода этилган муносабатлар йиғиндисидир¹. Шахсга бериладиган мазкур педагогик таърифимизнинг мазмунида шахс ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат деган фикр асос бўлиб хизмат қилади. Кичкина чақалоқ, дастлаб бошини сарак – сарак қилиб, нимадир ёқмаганлигини билдирганда, ёки «йўқ» «мен ўзим» деган иборани ишлатганда у ўзини танитади, ўзлигини билдиради, ўзи ҳам атрофдаги нарса ва ҳодисаларни янгидан кашф этади.

Ўсмир ҳам яхшилик ва ёмонлик билан тўқнашиб, улардан бирини онгли равишда, маълум мулоҳазага бориб танлаб олганда, ўзига ёқмаган ҳатти – ҳаракатлардан нафратланса, мақсадига етишиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш учун кураш олиб борганда у ўзини шахс сифатида намоён этади.

Оилавий тарбияда шахсни шакллантиришнинг муҳим томони бор. У ҳам бўлса, ҳар бир ота – она боласини кучли, иродали, ақлли ва қобилиятли бўлиб ўсишини орзу қилади. Кучли шахс бўлиш учун эса болада ўз - ўзини англаш мавжуд бўлиши керак. Файласуф И. Кант ўз – ўзини англаш – ахлоқийлик ва маънавий масъулиятнинг зарур шартидир деб ҳисоблаган эди. Чамаси, ўз – ўзини англаш туйғуси бизни актив фаолият кўрсатишга даъват этади, лекин бундай фаолият одамни қаерга олиб бориши кўп жиҳатдан у киши қандай ҳаётий – ахлоқий қоидаларни ўзига дастак қилиб олганлигига боғлиқдир.

Оилада энг яхши ва олижаноб анъаналар руҳида тарбияланган бола ўзини англашга, ўзлигини кўрсатиб, ўз шахсини намоён этишга ҳаракат қилади. Унинг олдида шафқатсиз тақдирнинг зарбаларига маюслик билан бўйсуниб,

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 31 - 64 б.

улардан орқага қараб чекиниш керакми ёки қийинчиликларга қарши курашиб, уни енгиб чиқишми – қайси бири шарафли ва олижаноб деган савол кўндаланг бўлиб туради. Худди шунда болада яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нисбатан нафрат туғилади ва ҳаётининг асосий ахлоқий тамойилига айланиб қолади.

Ана шундай шахсларни тарбиялаш бизнингча, оилавий тарбиянинг бугунги кундаги асосий вазифаси бўлиб қолмоғи керак. Бу вазифага эришиш йўллари, воситалари ва методларини излаб топиш муҳим педагогик муаммодир¹.

А.С.Макаренко, «Ҳамма вақт болани шундай тарбиялашга ҳаракат қилиш керакки, кейинчалик ҳеч бир нарсани қайтадан ўзгартириш зарур бўлмасин, ҳамма нарса аввал бошданок тўғри йўлга солинган бўлсин»,– деб ота – оналарга ниҳоятда тўғри маслаҳат берганди². Оилада, мактабда, болалар муассасасида тарбиячилар ўз тарбияларидаги болалар олдида обрў қозонолмасалар, уларга ўзлари ёмон ибрат кўрсатсалар, тарбиячиларнинг сўзлари билан ишлари бир бўлмаса, болаларни муваффақиятли тарбиялаб бўлмайди. Ота – онанинг болалар олдида обрў қозона олиши, болаларга яхши ибрат бўла олиши албатта ота – онанинг ўзига боғлиқ. Оилада бола тарбиялашнинг энг муҳим шартларидан яна бири ота ва онанинг ўзаро яхши муносабатда бўлишидир. А.С.Макаренко ўзининг «Ота – оналар китоби»да – отасига уйда киядиган оёқ кийимини олиб келиб бериб, отасига ғамхўрлик қилиши мумкин. Муҳими, беш яшар боланинг ишдан чарчаб келган отасига унинг шиппаги ёки галошини олиб келиб беришида эмас, бундан ҳам муҳимроғи боланинг маълум вазифани адо этиши, оила ҳаётидаги меҳнатда кўлидан келганича қатнашувидир. Каттароқ ёшдаги болалар отаси ишдан қайтгач, қилаётган ишини йиғиштириб қўйиб, унга овқат олиб келиб бериб, отаси овқатланаётган вақтда, отанинг йўқлигида газетадан ўқиб билган, радиодан эшитган муҳим нарсалардан отани хабардор қилиб, суҳбатлашиб

¹ Иномова М. – Оилада болаларнинг маънавий – ахлоқий тарбияси. –Т.: 1999. – 8 – 10 – б.

² Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-кн. – М.: Гуманитарный изд. центр. Владос, 1999. кн. – 576 с.

ўтирадилар, шу билан отага ғамхўрлик кўрсатиб, оила ҳаётида қатнашадилар. Ота ҳам ўз навбатида хотини ва болалари билан ўз иши ҳақида, оила аъзоларининг ишлари ҳақида суҳбатлашади.

Оилада, ишлаб топиб келадиган ягона киши бўлиши – бўлмаслигидан қатъи назар, отанинг уй – рўзғор ишларига бутунлай аралашмаслиги ярамайди. Ота – онанинг рўзғор ишларини кадрлаши лозим, бу эса оилада она обрўсини оширади, ўрни келганда ота ҳам рўзғор ишларида қўлидан келганича кўмаклашуви лозим, бу унинг вазифасидир. Оилага ишлаб топиб келиб, шу билан ўз вазифасиничегаралаб, оила ҳаётига мутлақо аралашмайдиган оталар ҳам учраб туради. Оилада фақат онагина эрининг, болаларининг хизматини қилиб, уларнинг эса она хизматини писанд қилмай, уй – рўзғор ишларига аралашмай, фақат дам олиши ёки ўз иши билан шуғулланиши ярамайди, бунга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак.

Оилада ота – онанинг обрўси маълум даражада уларнинг шахсан ўртак бўларли, феъл – атворлари билан вужудга келади. Тарбия ишида ўртакнинг аҳамияти жуда катта, чунки болалар кўп нарсани ўзлари алоқа қиладиган кишиларга тақлид қилиш орқали ўрганиб оладилар. Катта ёшдаги кишилар томонидан болаларга сингдирилаётган яхши хислатларни улар ўз ота ва оналарида кўрсалар, бундай хислатлар болаларга яна ҳам маҳкамроқ сингийди¹.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг « Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида жамиятнинг асосий негизи бўлган оила, ёшлар тарбияси, инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳақида тўхталиб: « Оила – жамиятимизнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тарбия бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир – бирига нисбатан эзгулик билан меҳр – оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада

¹ Волкова Е.И. Ота – онанинг тарбиячилик вазифаси. Т.: –1957. – 15 – 22 – 24– 25 – 37 – б.

демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош – уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон – эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий кадрият, инсон қалбининг гавҳаридир». Демак, ҳар бир оилада дунёга келган бола – ёш авлод давлат ўртага қўйган мақсадларни амалга оширишда фидокорлик, меҳнатсеварлик билан хизмат қиладиган шахс сифатида камол топтирилиши керак.

Ўтмишда оилада ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қўлланган усул ва воситалар, тадбир шакллари, оиладаги урф – одат ва анъаналар, оила бошлиқлари саналмиш ота ва оналарнинг тарбия ҳақидаги ғоялари, ҳаётий тажрибалари миллий халқ тарбиясида мужассамланган. Оила тарбиясида болани ёшлигидан бошлаб бир ишга ўргатиш, кичик вақтиданок унга бир юмуш бериб, иш қилишга одатлантиришга эътибор берилган. Натижада, болада ишга қўникиш, севиш, ишга берилиш, ҳисси уйғонган, ривожланиб борган. Унда яшашнинг асоси меҳнат эканлиги ҳақида тасаввур шакллана бошлаган.

Демак, бола ҳаётда яшашнинг асоси меҳнат эканлигини билиб, ўзи эркин ишласин, хатоларини кўриб, уни тузатишга ҳаракат қилсин. Ишлаганда, ишнинг натижасини ўйлаб тўғри фикр юритишга, тўғри ишлашга, ғайрат қилишга кўниксин.

Ўтмишда яшаб, халқ урф – одати, анъаналарини ўрганган мутафаккирлар бу кадриятлар келгуси авлодлар учун ҳам зарурлигини билиб, ўз ижодий фаолиятларида уларни ташвиқ этиб, ўз шахсий фикрларини ҳам изҳор этганлар.

Боланинг атрофида соғлом, тўғри фикрли, гўзал ахлоқли одамлар бўлса, уларнинг яхши фазилатлари боланинг ақлли, ахлоқли бўлишига таъсир этади, албатта. Ўзаро иттифоқлик, муҳаббат бўлган ҳар бир оила мурувватли

ва бахт – саодатлидир. Оила аъзоларининг бир – бирларига маънавий, маданий мулоқотда бўлишлари энг кўрам хислатдир¹.

Оила тарбияси – бу умумий ижтимоий тарбия жараёнининг шундай босқичи, у инсоннинг кейинчалик бутун умри давомида оладиган маърифат ва ҳаёт сабақлари учун асос, замин, пойдевор вазифасини ўтайди. Оила тарбияси ота – она ва фарзандлар, шунингдек, бир неча авлодга мансуб шахсларнинг ўзаро қон – қариндошчилик муносабатлари асосига қурилувчи ўзига хос бетакрор маънавий руҳий жараёндир².

Оила тарбияси бир умр давом этадиган узлуксиз жараён сифатида – ижтимоий тарбиянинг бир тури бўлиб, оиланинг барча аъзолари унда фаол иштирок этадилар, бир – бирларига ўз билим, тажрибаларини ўргатадилар. Оилада шаклланадиган фарзандлик, ака – ука, опа – сингиллик икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир оламдир. Иттифоқ иборасида, шубҳасиз аҳиллик, тотувлик деган маънолар ҳам мужассам бўлиб, агар оила шундан – да тинч – тотув, аҳил бўлса, оилавий турмуш мустаҳкамланиб бораверади. Акс ҳолда турмуш дўзахга айланади, эр ва хотин бир – бирига адоватли рақибларга айланиб, фарзандлар тақдири ва тарбиясини мавжуд бир ҳолатда олиб келиб қўяди, қариндош – уруғчилик муносабатларига путур етказди. Натижада жамиятга моддий ва маънавий зарар етади. Хулоса қилиб айтганда, оила фақат эр ва хотиннинг ўзидан иборат эмас, балки оила эр – хотин, уларнинг фарзандлари, энг яқин туғишганлари, қон – қариндошлик ипи билан боғланган кишилардан иборат гуруҳ, сўз билан ибора этганда хонадондир. Бинобарин, оила одамларнинг хоҳиш – истак ва мақсадлари асосида бирлашган табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир³.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тарбиялаётган ёшларга боғлиқ. Бундай улкан вазифани амалга оширувчи, моддий ва

¹ Зуннунов А. Оилада бола шахсини шакллантириш. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 3– 14 – б

² Подласый И.П. Педагогика. Учебник. Книга 1. – М.: Владос, 2002. – 573 с.

³ Алқаров И.Ш., Маматкулов Р., Норқулов Х., Шахс ва оила тарбиясининг педагогикаси. – Т.: 2009. – 18 – б.

маънавий бойликларни яратувчи асос оиладир. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғини сифатида мураккаб таркибга эга бўлиб, у ўз фаолиятида оила аъзоларининг эҳтиёжи ва қобиляти, турли фаолиятнинг мақсад ва вазифаларинигина эмас, балки тарбиявий фаолиятни ҳам акс эттиради.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларга ота – оналарнинг ота – оналик, қон – қариндошлик хислатларини узатиб, шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишинигина таъминлаб қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Шу сабабли оилавий тарбия доимо мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Унда асосий вазифани халқ, одобга доир тадбирларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота – оналарнинг касб – ҳунари, оила аъзоларининг маънавий руҳий муносабатлари ўйнайди.

Оилавий ҳаёт болаларни инсоний муносабатларда ўз шахсини камол топтириш имкониятини беради¹.

Ёшларимизни виртуал дунёга тушиб қолишдан асраш, уларнинг қалбини эзгулик, яхшилик уруғлари билан тўлдириш учун, энг аввало, бундайларни маргеналлик ҳолатидан чиқариш лозим. Маргеналлик – айрим шахс ёки гуруҳнинг жамиятда муайян ижтимоий гуруҳ, табақа, қатламга мансуб бўлмасдан «чеккада», «оралиқда» қолишидир.

Бошқача сўз билан айтганда, маргеналлик ҳолатида у ёки бу шахс «аросатда» қолиши мумкин. Жамият, оила, маҳалла таъсиридан, «чиқиш эса маргеналлик ҳолатига тушган шахсда бепарволик, уқувсизлик, ижтимоий ҳаётдан бегоналашувни юзага келтиради. Бундай ҳолатга тушган шахснинг асосий «хусусиятлари» жамият муаммоларига эътиборсизлик, сустлик, теварак – атрофдаги воқеа – ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг сусайиши, беқарорликда кўринади. Бундайларнинг қалби шикастланган бўлади. Бундай шахснинг бошқалар таъсирига тушиш имкониятлари доимо юқори бўлади. Уларнинг қалбини эгаллашда катта қийинчилик сезилмайди. Бу жамият ва

¹ Мунавваров А. Қ. Оила педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 53 – 57– б

миллат учун ўта хавфли. Шунинг учун ҳам бизнинг маънавий – маърифий фаолиятимиз айрим ёшларимизда мавжуд бўлган маргеналлик ҳолатини бартараф қилишга қаратилиши лозим. Баркамол инсон тарбияси алоҳида олинган, аниқ бир шахс тарбияси туфайли содир бўлади. Тарбияда аниқлик зарур. Агар биз тарбияланувчининг қалбини поклай олсак, унга инсонни севиш, ҳурмат қилиш, эъзозлаш уруғларини сепа олсак, шубҳасиз, биз жамиятнинг соғлом маънавий қиёфасини яратган бўламиз, зеро Шарқда доимо моддий оламдан руҳ оламига кўтарилиш, қалбни тозалаш инсоннинг комиллик сари ташлаган қадами сифатида баҳоланган¹. Мамлакатимиз тараққиётида, мустақилликни мустаҳкамлашда шахс тарбиясининг ўрни ниҳоятда беқиёсдир. Чунки жамият ривожлантиришда инсон омили муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ шахс тарбиясига, унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берилган бошланди.

¹ Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Ўзбекистон, Т.: 2008. – 17 – б



Шахснинг тарбиясида миллий ғоянинг роли каттадир. Ҳар бир шахсни миллий ғоя руҳида тарбиялаш ҳаммамиз учун муқаддас бурчдир. Агар «тарбия» тушунчасининг туб маъносига эътибор берадиган бўлсак, бу – инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараёндир. Яъни, тарбияланган одам тарбиясиз одамдан шуниси билан фарқ қиладики, биринчидан, у ўзининг ким эканини, амалга ошираётган кундалик ҳатти – ҳаракатлари, амаллари, ўй – фикрлари ўзи ва ўзгалар учун қанчалик манфаатли, фойдали эканини англайди, ўзини нохуш ҳаракатлардан тияди ва назорат қилади. Демак, ҳар қандай тарбиянинг бош мезони тарбияланувчида ўзи ва ўз фазилатлари ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантиришдан, ўзлигини, ўз – ўзини англашдан иборат дейиш мумкин. Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши – бу ғоявий тарбиядир.

Бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир – оқибат ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз – инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса, айниқса, ёш авлодга тегишли»¹. Оилада оталар ва болалар ўртасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий манфаатлар бирлиги, маънавий яқинликни таъминловчи алоқа, икки авлоднинг ўзаро билим ва тажриба алмашиш жараёни ҳукм суради. Бу эса маънавий тарбиянинг асоси оила бағрида эканлигини англатади. Халқимиз: «Қуш уясида кўрганини қилади», - деган нақлни бежиз ишлатмайди. Инсоннинг онги, дунё қараши, ҳуқ атвори дастлаб оилада шаклланади. Яъни унинг ҳатти – ҳаракати, фаолияти, феъли ва маънавий қиёфаси оилавий муносабатлар жараёнида шаклланиб боради. Ёш авлод ҳамма фазилатларни оиладан олади, атроф – муҳит ва бошқа кишилар анашу фазилатларга сайқал берадилар. Оилавий тарбия икки томонлама таъсир кучига эга, зеро оилаларда нафақат болалар, балки катта авлод вакиллари ҳам тарбияланиб борадилар. Бинобарин, маънавий камолот инсон умрининг ҳамма даврларига хос. У болалиқдан қариликкача, туғилишдан то ўлимга қадар давом этадиган, доим янги жиҳатлар билан бойиб борадиган, ташқи таъсирларни ўзида тўқис акс эттирадиган жараёндир.

Юқоридаги тадбирларнинг барчаси оилани мустаҳкамлаш ва унга ҳар томонлама ёрдам беришни кўзда тутди. Давлатнинг оилага жуда катта эътибор бераётганлигининг сабаблари кўп. Кейинги ўн йилликда нафақат мамлакатимизда, балки жумҳуриятимизда ҳам оилавий фожеалар, хусусан болалар ўлими, ёшлар қонунбузарлиги ва оилаларнинг ажралиб кетиш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги маълум. Буларнинг ҳаммасида кимнингдир

¹ Зияев С., Хайдавор К. Миллий ғоя ва маънавий тарбия. Самарқанд, 2011. – 71 – 73–79 – б

эрта хазон бўлган бахти, ҳавога совирилган умри, армонга айланган орзу умидлари, аянчли тақдири намоёндыр. Шунинг учун ҳам ёшларни оила муносабатларига тайёрлашнинг аҳамияти ниҳоятда муҳим. Афсуски, ҳалигача оила муаммоси билан шуғулланувчи олимлар, мутахассислар, медицина ходимлари ва мутасадди ташкилотлар ёшларнинг олдидаги қарзларини уза олганлари йўқ¹.

Бобимиз аввалида боланинг оилада тарбиялаш жараёнига оид ҳадислардан мисоллар келтирсакда, сўнг фикрларимизни давом эттирсак. Зеро доноларимиз айтганларидек, ҳар бир сўз ўз исботи билан ишончлидыр.

Расулуллоҳ (С.А.В.):

- Бир олимнинг мажлисида қатнашиш минг ракат (нафл) намоз ўқишдан, мингта касални зиёрат қилишдан афзал, - дедилар.
- Қуръон ўқишдан ҳамми, Расулуллоҳ? – деб сўрашди.
- Қуръоннинг нафи ҳам фақат илм билан – ку²!

Афлотун айтган:

- Ҳар ким ҳам инсон бўлавермайди. Инсон – илми ва одоби билан инсон³.

Халил ибн Аҳмад айтган:

- Одамлар тўрт хил бўлади:
 1. Билади ва билишини билади. У олимдыр, унга эргашинг.
 2. Билади, аммо билишини билмайди. У ғафлатда, уни уйғотинг.
 3. Билмайди ва билмаслигини билади. У йўл бошловчига муҳтож, йўл кўрсатинг.
 4. Билмайди, билмаслигини ҳам билмайди. У – жоҳил, ундан узоқ бўлинг⁴.

Пайғамбаримиз (С.А.В.) дедилар:

- Тунда бир соат илм ўрганиш туни билан тоат – ибодат қилишдан афзал⁵.

Пайғамбаримиз (С.А.В.) дедилар:

¹ Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 87 – 88 – б

² Ғаззолий: 1 – жилд., 49 - б

³ Замахшарий: 3 – жилд., 217 - б

⁴ Ғаззолий: 1 – жилд., 121 - б

⁵ Доримий : 266, 612 - б

- Бир соат илм олиш туни билан тоат – ибодат қилиб чиққандан афзал. Бир кун илм олиш эса уч ой (нафл) рўза тутгандан афзал¹.

Пайғамбаримиз (С.А.В.) дедилар:

- Илм истаб, унга етишганга икки савоб, етишмаганга бир савоб ёзилади².

Халқимизнинг миллий қадриятлари салкам 14 асрдан бери Ислом қадриятлари билан чамбарчас боғланиб, бир-бирига сингиб кетган. Шундай экан, ота-боболаримиз улуғлаган одамийлик, маърифат, поклик дини бўлган исломнинг жамиятни рухий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш борасидаги таълимоти, хусусан, унинг узвий қисмларидан бўлган оила тарбиясига оид қарашларини чуқур ўзлаштириш, ўз келажагини қуришга бел боғлаган ҳар бир кишига ҳар тамонлама камолга етган авлодни вужудга келтиришга ёрдам беради. Маълумки, оила қуриш инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатдир. Бу муносабатларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг барқарорлигини белгилайди.

Оилаларда ота-оналарнинг динга бўлган муносабатлари, уни қай даражада англаб етишлари, умуман олганда диний дунёқарашлари даражасини баҳолаш учун 2004 йилда социологик Республика «Оила» илмий –амалий Маркази томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ислом оиланинг поклиги, жипслиги, осойишталигига эътибор билан қараб келган. У оиланинг бош муаммоси саналмиш никоҳни инсон муносабатлари ичида энг муқаддаси деб ҳисоблайди ва оила аёл манфаатларини ҳимоя қилишни эр зиммасига юклайди. Аёллар манфаати топталган давлатлар инқирозга юз тутган, уни эъзозлаган юртлар тараққиётга юз бурган. Қуръон ва ҳадисларни ўқир эканмиз, уларда аёллар эъзозланганлигининг гувоҳи бўламиз. Ислом шариати қоидаларида аёл киши аввало аёллигини – ибo-ҳаёсини, назокатини, одобу ҳулқини, ўз

¹ Суютий: 2 – жилд., 76 - б

² Доримий : 339 - б


саломатлигини асраш зарурлиги, у биринчи навбатда она эканлиги, яъни, ҳаёт манбаи ҳисобланиши уқтирилади. Жумладан, Нисо сурасида аёл бекиёс улуғланган.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса эдигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собит қадам ғайрат – шижоатига, тўла – тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг бахт – саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади. Бизнинг қўламли ижтимоий – иқтисодий ниятларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади. Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустаҳкамланиши ва гуллаб – яшнаши учун шахсий ҳисса қўшишга тайёрлигидандир. Фақат мана шундагина фуқаро давлатнинг ишончли таянчига айланади¹.

Эстониялик олимлар Э.Тийд ва В. Уколоваларнинг кўрсатишича, оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги муносабатларнинг аниқ мақсадларига қаратилганлиги ва йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади. Улар оилавий муносабатлар мақсадини кўпроқ 3 йўналишда бўлишини фарқлайдилар. Оилавий муносабатлар барқарор бўлади, қачонки:

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон ўзистиклол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992. 23 -74 - б



Оила барқарорлиги оиланинг ягона ва бутунлигини сақлайди.

Афсуски, оила барқарорлиги XX асрнинг 80 – 90 йилларига келиб пасая бошлаган.

В.Е.Семенов, Машеров, Ю.Т.Тимофеевларнинг тадқиқотларида оилада низоли вазиятларни келиб чиқиши инсон турмуш тарзининг бутунлигича қамраб олувчи соҳалардаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилади. Тадқиқотдаги натижаларга кўра, ишчи аёллар учун энг аҳамиятли ҳаётий қадриятлар «оилавий бахт», «яхши соғломлик», «севимли иш» ва «соф виждон» дан иборат экан. Эркак ишчиларида эса қадриятларнинг энг асосийсини «севимли машғулот», сўнгра «оилавий бахт» ташкил қилиши аниқланган.

Оилавий – ижтимоий тасаввурлар асосан шахс ижтимоийлашувининг дастлабки давриданок шакллана бошлайди ва унинг ўзгаришида ижтимоий – психологик омиллар, таълим – тарбия, оила муҳити, миллий – маънавий ва ахлоқий қадриятлар, шахснинг мулоқот муҳити ва шахсий фаоллиги муҳим роль ўйнайди. Оилавий – ижтимоий тасаввурлар ҳар бир оила аъзосининг

билим тизимида шаклланган онг таркибларидан иборат бўлиб, шахснинг ижтимоий ва индивидуал тажрибаси сифатида унинг оилавий ҳаётга тайёргарлигини таъминлайди¹.

В.М.Каримова тадқиқотларида оилавий ижтимоий тасаввурлар шаклланишида бола шаклланаётган оила ва ундаги ўзаро муносабатлар характери муҳим аҳамият касб этиши, яъни оиланинг катта ёки кичиклиги, тўлиқ ёки нотўлиқлиги, жинсий муносабатлар ҳақида ва репродуктив тасаввурлар характерини белгилаши ва шахсий ижтимоий мослашувлар йўналишида акс этиши аниқланган².

Доно халқимиз «Бола – бошидан, ниҳол – ёшидан» деган нақлни бежиз айтмаган. Модомики шундай экан, ёш авлодни таркиб топтириш, тарбиялаш ишини ёшлигдан, оиладан бошлаш керак.

Оилада бола тарбияси иккиёклама аҳамият касб этиб, фақат фарзандларига руҳият ва маънавият билимидан сабоқ бериш билан қаноатланиб қолмасдан, балки ўзлари ҳам тарбия сеҳрлари, хусусиятлари, ҳолатлари моҳияти ва маъноси юзасидан янги – янги маълумотлардан хабардор бўлиб туришлари керак.

Бола тарбияси ота – оналардан махсус педагогика ва руҳият бўйича билимлар, алоҳида кўникмалар бўлишини қатъий равишда талаб қилмаса – да, доимий юз бераётган тарбия муаммоларини тўғри ҳал қилиш устида фикр юритишни тақозо этади.

Ота – оила бошлиғи, посбонидир. Зеро, оиланинг ҳар бир кўз илғамас юмушларидаги муаммоларнинг миридан – сиригача аралашиб, унга фақат тўғри йўл кўрсатиб туришдек инсоний масъулият ота елкасида туради. Буни моҳият жиҳатдан тушунган эркак ўз маъносида ота ҳисобланади; аксинча бу мўътабар сўзга фақат иснод келтиради.

¹ Зарипов К.З. Педагогическая диагностика в системе непрерывного повышение квалификации учителей. Афтореф. дисс. на соиск. учен. степ. докт. пед. наук.-Т.: 1990, 35 с.

² Файзиева М., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. Т.: Янги аср авлоди, 2000. 26-27-32-37- б

Шу ўринда отанинг оиладаги обрўси масаласи атрофида фикр юритиш жоиздир. Ота обрўни дастлаб оилада мустаҳкамлайди. Хотини, бола – чақаси орасида обрў топган ота жамоат орасида ҳам, шубҳасиз, эътибор топади, обрў орттиради. Оилада обрўсиз ота тарбиясини олган бола кўпинча ўғри, муттаҳам, босқинчи, йўлтўсар ва ғирт безори бўлиб етишиши шубҳасиздир. Мурғак тасаввурли бола илк тарбияни оилада олади. Бола тарбиясининг илк сабоқлари ҳақида атоқли ўзбек педагогикаси Абдулла Авланий ўзининг «Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ» китобида қуйидаги ибратли ўғитларни айтган эди: «Тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватлантирмак, зехнимизни равшанлантирмак лозим».

Оилада фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантиришидир. Бунга болани фақат ишонтириш йўли билан эришиш мумкин. Шунинг учун ота – она ўғил – қизларни тарбиялашда уларни қўрқитишга ёки асоссиз буйруқ беришга таянмасдан иш тутиш керак¹.

Ўзбек оиласи зиммасига ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал шахс қилиб тарбиялашдек юксак масъулиятли вазифа юклатилган. Дар ҳақиқат, инсон шахсини шакллантириш оила муҳитидан бошланади, хусусан оилада феъл – атвор, ирода, одатлар, хулқ теварак – атрофга муносабат, илмий дунёқараш ва эътиқодлар вужудга келади. Энг юксак инсоний ҳис – туйғулар, эзгу – ниятлар, бетакрор маънавият, иқтидор, салоҳият, ақл – заковат ҳам оила бағрида таркиб топади.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда турмушда инсонни вояга етказиш шароитлари, фаоллик кўрсатиш имкониятларини изчил равишда ўрганмай туриб, шахснинг хусусиятлари ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Маълумки оила, ижтимоий – тарихий хусусиятга ва муайян тузилишга эга бўлган ижтимоий гуруҳнинг ўринишидир. Кузатишлардан маълумки, оилада болалар шахсини

¹ Узоқов Х., Ғозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. Т.: Ўқитувчи, 1992. 87-91-б

шакллантириш, энг муҳим руҳий жиҳатлар билан қуроллантириш кўпинча ўзаро аралашувга боғлиқ бўлади. Оиланинг камол топган аъзолари ва биринчи навбатда ота – оналар фарзандларининг руҳий хусусиятларини билиши оилавий тотувлик, ҳамжиҳатлик, илиқ маънавий вазиятни барпо қилади.

Оилада бола тарбиясига оид вазифалар кундалик ҳамда истиқболли турларга ажратилади. Оилавий тарбиянинг истиқболли вазифаси, мақсади, режаси ўз ичига болаларга диққат, тиришқоқлик, зийраклик, топқирлик, мустақиллик, ахлоқий ҳислатлар, ҳис – туйғулар, барқарор эътикод, илмий дунё қараш каби шахс фазилатларини шакллантиришни қамраб олади. Кенг қамровли, узлуксиз таъсир ўтказиш натижасида инсон руҳий дунёсида шахснинг энг муҳим сифатлари таркиб топтирилади¹.

Оила тузиш ҳақидаги адабларни билиш ва маишатларини ҳам унга татбиқ этиш йўлини топиш, биз аҳли ислом учун муҳим бир ишдир. Зеро оила аҳволи тузук бўлмагани ва тарбия усулига бино этилмагани ҳолда, нақадар буюк бўлса ҳам, ҳеч бир миллат дунёда яшамас. Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарсалар миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг зўр эътибор берадиганимиз ё бўлмаса ҳеч бир замон эътибор бермасдан келадиганимиз бўлмиш оилалар. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қулар. Худонинг ўзи асрасин – ку, агарда бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса, у миллат китобининг сўнгги варағи очилғусидир.

Оила аҳволини тузатмоқ ва ёки тузук ҳолида давом эттирмоқ энг керакли бир иш бўлганидан дунёнинг буюк файласуфлари – ҳар бир халқнинг шуҳратли олимлари умрларининг қимматли соатларини бу хусусга сарф этадилар.

Оилаларни ислоҳ этиш йўли ва тарбия усулини баён этган китоблар ҳисобсиз кўп бўлса – да, бунга бўлган эҳтиёж ҳам қалам билан ёзиб

¹ Узоқов Х., Ғозиев Э., Орипова Л. Оила ахлоқи ва одоби. Тошкент, 1995. 5-6-155-б

билдириш мумкин эмас даражада қутлиқдир. Шундайки, ҳар жон бошига бир рисола ёзилса ҳам у кўп ўринда кўрилмас¹.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлиши оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг бурчимизга айланишини истардим» , деб таъкидлайди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Оила муаммолари орасида ота – оналарнинг ўзаро муносабати ва ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш, тўғрироғи, бўлажак оила бошқарувчиси сифатида тарбиялаш долзарб масала ҳисобланади. Оила бахти, фарзандлар истиқболи учун ўғил – қизларимизни оилавий ҳаётнинг ҳамма муаммоларига масъулият билан ёндашадиган, ўз умр йўлдошини ҳурмат қиладиган, унга ҳамиша таянч, содиқ дўст бўладиган, шунингдек келин – куёвлик вазифасини ўрнига қўя оладиган қилиб тарбиялаш зарур.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларга оила турмуш муносабатларининг бутун тизимини, яъни оилада соғлом муҳит яратиш, бир – бирини тушуниш, майда – чуйда гапларни четлаб ўтиш, муроса – мадорани билиш, уй тутиш, рўзғор тебратиш, поклик, зеболик, ҳаё – андиша, қайнота – қайнонани сийлаш, қайн – бўйинларни туғишганларидек кўриш, туғилган фарзандларни қобил қилиб тарбиялаш каби гўзал фазилатларни сингдириб, ўргатиб бориш зарур.

Оилада маънавий – руҳий муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг барча қатламларини қонунчилик, соғлом турмуш тарзи қоидалари руҳида тарбиялаш ишини ёшлиқдан изчил олиб бориш, мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ёшларни оқилона турмушга тайёрлашга эътиборни кучайтириш ғоят муҳимдир¹.

¹ Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Оила. Тошкент: Меҳнат, 1991. 7-8- б

Шахс – бу ҳолда борлиқ ҳақиқати билан алоқадор фаол фаолият кўрсатувчи сифатида намоён бўлади, у танлаш имкониятига эга бўлган ва унинг асосида ўзининг ривожланадиган фаолияти табиатини йўналтирувчисидир.

Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши инсонпарварлик қадриятлари тизимини ўзлаштиришни назарда тутди, у эса ўзида инсонпарварлик маданияти асосларини акс эттиради. Унинг мазмуни шундан иборатки, шахс томонидан онгли равишда маданий қадриятлар танловини таъминлаш ва унинг негизида мустаҳкам, инкор этмайдиган, инсонпарвар қадриятли муносабатлар индивидуал тизимини шакллантиришидир.

Қадриятли мазмунга эга таълимда шахснинг хулқ – атвори мўлжалга олинади, улар эса унинг инсонпарварликка йўналганлигини аниқлайди ва қадриятли баҳолаш асоси сифатида намоён бўлади. Ҳаётда эса қадрият шахсни фаол фаолиятга, ўз – ўзини тарбиялаш ва ўз – ўзини ривожлантиришга уйғотиши учун, инсоннинг онгли равишда тушиниб етиш ҳали камдир².

Болаларни шахс сифатида камол топишларида оила билан бир қаторда мактабгача таълим муассасаси ҳам иш олиб боради. Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти – етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади³. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

¹ Тўраева О. Оила – муқаддас қўрғон. Тошкент: Чашма принт, 2009. 4-6-б

² Низомий номидаги ТДПУ. Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясининг қадриятли босқичини лойиҳалаш ва амалга ошириш. Тошкент: 2010. 21-22- б

³ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 20 - 29 б.

- малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологик – педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- замонавий ўқув – услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;
- мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий – тарихий мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида маънавий – ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт – шароитлар яратиш;
- мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;
- мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб – қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш¹.

¹ И.А.Каримов.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент 1998. 46 - б

1.2.Оила мустаҳкамлиги йўлида буюк мутафаккирлар ижодининг ноёб дурдоналари

Оила мустаҳкамлиги хусусида буюк мутафаккирлар ўз ижод намуналарида кўп фикр юритишган. Чунки болаларни шахс сифатида тарбиялашда бирламчи тарбия маскани оиладир. Болаларни шахс сифатида тарбиялаш ҳақида сўз борар экан, бу хусусда Ян Амос Коменский фикрича, тарбия табиатга уйғун бўлиши, тарбияда боланинг шахсий хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Коменскийнинг фикрича, боланинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосига қурилган таълимгина уйғун бўлади. Унинг фикрича, ёш авлоднинг ҳар томонлама тарбияли бўлишини таъминлайдиган таълим босқичларида изчиллик ва ўзаро бирлик бўлиши, қатъий ва ягона тизим қарор топиши даркор¹. Коменскийнинг фикрича, машғулотлар шундай ташкил этилиши керакки, олдин ўтилган мавзу кейинги мавзунини ўрганишга йўл очиб берсин, яъни олдин берилган билим узвийликда, унинг узвий давоми бўлиши керак.

Тарбиячи ўз олдида турган вазифа ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур деб таъкидлайди Жан – Жак Руссо. Руссо боланинг шахс сифатида таркиб топишида тарбиячининг мавқеи катталигини айтади. Тарбиячи тарбияланувчига умум инсоний қадриятлар асосида тарбия бериши керак.

Руссо ахлоқий тарбия ҳақидаги қарашларида болани яхши фазилатли, иродали қилиб тарбиялашни талаб этади, ижобий ҳис – туйғуларни ривожлантиришни биринчи ўринга қўйди. Руссонинг фикрича, бу ҳис – туйғуни ривожлантириш болада катталарга инсоний муносабатда бўлиш туйғусини ҳосил қилишга ёрдам беради².

Песталоцци фикрича – болани тарбиялашни энг оддийдан бошланиб аста – секин ва изчиллик билан мураккабга ўтиш керак³.

¹ Вохрўшева М.Г. Библиография в системе культурѣ. - Самара, 1993.- 124 с.

² Бутенко И.А. Юнуй читатель и библиотека: (Чтение девочек и чтение мальчиков) // Книга. Исследования и материалѣ. - М.: Книга, 1999.- С. 53-64.

³ Зуннунов А. Педагогика тарихи. Тошкент: Шарқ, 2004. 293 – 294 – 296–300– 302–303 –б

Ҳар бир оила унда дунёга келган ва ўсаётган ҳар бир болага ниҳоятда эътибор билан муносабатда бўлмоғи даркор. Ота – онанинг ўз фарзандининг ички дунёсига кириб бориши, ҳатти – ҳаракатларининг сабабларини тушиниши, қизиқиши, характер хусусиятларини чуқур англаши зарур. Бунинг учун эса бола доимо ота – онасининг кузатувида бўлмоғи лозим. Бола ҳаракатини кузатиш – унинг кўнгил қаърига йўлдир.

Бу борада буюк аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг куйидаги фикрлари бугунимиз учун ўта муҳимдир. Унинг фикрича, оиладаги ростлик, ҳаё, эзгулик ва гўзал хулқ ёш авлоднинг бахтиёр келажагига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Ўйлаймизки, бу фикрларга таҳлил ортиқча. Чунки оиланинг кўрки ҳам, тотувлиги ҳам, бекаму кўстлиги ҳам эру хотиннинг ота – оналик маҳоратига, мусаффо қалбию, юксак ҳаёсига, қайноқ меҳру муҳаббатига боғлиқ.

Машҳур алломамиз Ибн Синонинг таъбирича, ҳақиқий фарзанд тарбиялаш учун она куйидаги сифатларни ўзида мужассам этмоғи даркор: билимли бўлиш, динга ишониш, уятчан шарм ҳаёлилик, жасур, ўз эрини дилдан севиш, бола туғиш, уни тўғри тарбиялаш, эзма бўлмаслик, эрига итоатли бўлиш, камтар, тўғри, фаросатли бўлиш, ўз шаънига доғ туширмаслик, эри ҳурматини жойига қўйиш, хотинлик ва оналик бурчини яхши англаш, оила хўжалигини тўғри юргизиш, эр ва фарзандларига меҳр – шафқатли бўлиш.

Кўриниб турибдики, улуғ алломанинг бу фикрлари бизнинг давримиз, бугунги ҳаётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Соғлом авлод келажагимиз устуни ҳисобланар экан, соғлом авлодни маънавий – ахлоқий жиҳатдан етук оилагина етиштира олади¹.

Оиланинг жамият ва шахс ҳаётидаги ўрни, унинг ижтимоий – фалсафий моҳияти ва функцияларига қадриятли ёндашиш маънавий ҳаётимизни тубдан қайта қуришнинг муҳим омилларидан биридир.

¹ Халқ таълими журнали 5 – сон 2001 йил. 29 – 31 – б

Оила ҳамма замонларда ҳам жамиятдаги маънавий – ахлоқий муҳитни ўзида яққол акс эттирган ижтимоий ривожланиш йўлида пайдо бўлган социал муаммо ва қийинчиликларни ҳал этишда муҳим рол ўйнаган. Аجدодларимиз оилани энг муқаддас социал қадрият сифатида эъзозлаганлар, ҳар бир оиланинг тотувлиги, аҳил ва фаровонлиги тимсолида ижтимоий тотувлик ва чинакам инсоний бахт – саодатнинг ишончли кафолатини кўрганлар.

Маҳалла – кўйлардаги ҳар бир оиланинг қувончи ёки бахтсизлигига лоқайд қарамаслик, ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам оилани сақлаб қолишга интилиш, ёш оилаларнинг мустаҳкамланиши учун моддий шарт – шароитлар яратиш ҳалқимиз маънавиятининг ҳозиргача кам ўрганилган муҳим жиҳатидир.

Оила ўзининг туб моҳиятига кўра инсоният маънавий ривожланишининг муҳим ютуғидир. Маънавий қашшоқлик, эътиқодсизлик, дин сизлик, жоҳиллик гуллаб – яшнаган жамиятда оила муқаррар равишда ўз моҳиятидан бегоналашди: у ижтимоий барқарорлик ва маънавий – ахлоқий баркамоллик омили эмас, балки ижтимоий парокандалик ва маънавий инқирозни кучайтирувчи омилга айланиб қолди, маънавий қашшоқлик, умуминсоний ва миллий қадриятларнинг поймол этилиши шароитида иқтисодий таназзул тобора кучайди.

Инсоният тарихининг барча босқичларида ҳам оиланинг вазифаси инсон шахсини шакллантириш, авлодлар давомийлигини таъминлаш бўлиб келган. Она – оила маънавиятнинг хазинабонидир. Фарзанд тарбиясида унинг шахс сифатида камол топишида ҳар қандай мукаммал ижтимоий тарбия ҳам она сингари муҳим рол ўйнай олмайди. Бола шахсига индивидуал ёндашмай туриб ундаги мурғак инсоний қобилият ва истеъдодни ривожлантириб бўлмайди. Онани оила бағридан олиб олган ва унинг зиммасига мислсиз мажбуриятлар юкланган, аёл шахсига нисбатан шафқатсизликни озодлик деб эълон қилган жамият ғайриинсоний ва жоҳил жамиятдир.

Оиладаги маънавий – ахлоқий муҳитни авайлаб - асраш, бола шахсини шакллантириш, уларнинг қалб ва шуурига умуминсоний қадриятларни сингдириш ватанга содиқ ва меҳнатсевар инсонларни вояга етказиш – анашуларнинг ҳаммаси оналарнинг жамиятдаги ўрни ва ролини, уларнинг оналик бахтини белгилайди.

Оила – бу жамиятнинг муҳим бир бўлаги, асоси ҳисобланади. Ҳар қандай жамиятнинг, шу мамлакатнинг асосини ташкил қилган оилаларнинг аҳиллигига, тотувлигига, мустаҳкамлигига боғлиқ¹. Оилани мустаҳкам боғлаб турувчи ришта фарзандлардир. Кимки фарзандини севмаса, у бу дунё учун ортиқчадир.

Бир донодан сўраб қолишди: - Кечирасиз, оила мустаҳкамлигини нимада кўрасиз?

У жавоб қилибди: - жуда кўп нарса оила мустаҳкамлиги билан бевосита боғлиқ. Оилавий жанжал бўлмаса, ҳамма қийинчиликларни бартараф этиш мумкин. Оила жипслигини уй бекасининг эрига бўлган ишқ, самимий, покиза, гўзал муносабатида кўраман.

Гулбоғ бошқа боғлардан нозиклиги, ўзига хослиги билан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун унга ўзгача мулойим муносабатда бўлиш керак. Оила ҳам худди шундай.

Оила – нозик ва айни чоғда инжиқ гуллар дасдасига ўхшайди. Унинг боғбони – эрдир. Оилада эр ҳар бир гулнинг табиатини билган боғбон сингари миришкор ва тадбиркор бўлсин. Оиласини муқаддас ва мўътабар билмаган, уни қийнаган киши «Ватанимни севаман» деса, унга асло ишонманг. Ота – она – гавҳар кўзли олтин узукдан ҳам минг карра мўътабар ва муқаддасдир. Гавҳар кўзли олтин узук инсоннинг ташқи кўринишига зеб беради, ота – она эса қалб қиёфасини безайди. Оилани мустаҳкам сақламоқ иймондандир². Маънавий қадриятларни ўрганиш ҳар бир ўқувчи шахсини

¹ Норкулов Н. Мустақиллик шароитида оила ва тарбия. Низомий номидаги ТДПИ, 1994. 33 – 35 – б

² Сафо Очил. Инсон Зийнати одобдир. Т.: Ўқитувчи, 1996. 69 – 78 – б

хурматлаш, уларга ишониш, уларнинг табиий қобилиятларини ривожлантиришга имкон берадиган шароитни яратади.

Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатларни демократик асосда тиклашга бир – бирларини тўғри тушунишга имконият туғдиради. Чунки, миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўзига хос удумлари ва унинг юксак ахлоқий фазилатлари маънавиятимизнинг ўзагини ташкил этади. Миллий қадриятларга содиқ бўлмоқ – ватан, миллат тараққиётига хизмат қилмоқ демакдир. Шунинг учун ҳам ўқувчи шахсининг ахлоқий маданиятини шаклланишида маънавият етакчи роль ўйнайди. Чунки маънавият жамият томонидан қўйилган мақсад ва вазифаларни йўналтиради, бола ҳаёти ва фаолиятини муайян тарзда тартибга солади. Ўқувчи камолоти учун энг яхши даражада муҳит ёки фазилатни вужудга келтиради. Шахснинг ахлоқий маданиятини шакллантириш фаоллигини ривожлантириш учун шароит яратади.

Маънавият вазифаси шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, онгини шакллантириш, онгли интизомни, ватанпарварликни тарбиялаш воситалари ва йўллари аниқлашдан иборат. Бу вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши шахснинг имонли бўлишини таъмин этади.

Шахс ижтимоий ҳаёт, жамоатчилик билан бевосита ва яқиндан алоқада бўлиб, ўз тенгдошларининг тан олишига қараб ажралиб туради. Шахснинг шаклланиши ижтимоий шароитда мавжланади, фаолияти эса конкрет муҳитда намоён бўлади. Ҳар бир шахс ижтимоий муҳит мевасидир. У ўз замонининг, юртининг фарзандидир.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов «...шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак» деб таъкидлаган эди¹.

¹ Маҳкамов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. Т.: Фан, 1995. 62 –69–б

Оила – мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила – жамиятнинг негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало оила муҳотида сингади. Бу жараён болалар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади¹.

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади².

Бизнинг мамлакатимизда оилага нафақат миллий қадрият сифатидагина қаралмай балки, унинг ҳуқуқий мақоми ҳам мустаҳкам қилиб белгилаб қўйилган. Оиланинг ҳуқуқий манбаси бўлиб биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Оила кодекси” ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби айнан оиламасалаларига бағишланган бўлиб, унда қуйида моддалар келтирилган.

63 – модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларининг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади.

64 – модда. Ота – оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 2000. 66 – б

² Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент.: 1997. 25 – б

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота– оналарининг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

65 – модда. Фарзандлар ота – оналарнинг насл – насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

66 – модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота – оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдир¹.

Буюк ўзбек мутафаккири Абдулла Авлоний маънавий меросида оила тарбияси алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбек миллий педагогикасининг асосчиларидан бири маърифатпарвар олим, шоир, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний маънавий меросида ҳар томонлама ривожланган инсоннинг камол топишида оилавий тарбиянинг ролига катта аҳамият берилганлигини кўрамыз. Тарбияшунос олим болада ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида, унинг ўқишга, ҳунарга қизиқишда оилавий шароит, ота – онанинг маънавий жиҳатдан юксак тарбия топган, ахлоқий пок, одобли, маданиятли бўлмоқлари кераклигини таъкидлайди.»... Боланинг саломати ҳамда саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вахтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур дея оилада соғлом танли, соғлом фикрли, меҳр – шафқатли, софдил болани тарбиялашда тарбия қилувчилар – ота – оналарни табибларга қиёслаб, катталарнинг таъсири ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини, бола хулқи яхши бўлишнинг асосий омили оилавий тарбия эканлигини, бу мураккаб жараёнга ота – онанинг масъуллигини уқтиради. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбиячи «яхши хулқ» деган давони боланинг ичидан «поклик» деган давони боланинг устидан бериб катта қилмак лозимдир.

Буюк олим ўз даврида фарзанд тарбиясига бепарво бўлган, фарзандини маърифатли бўлиши учун жонини куйдирмаётган, илм қадрини билмаган,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2010. 12 – 13 –б

илм учун бир пулни кўзи қиймаган, замондан хабарсиз ота – оналардан азият чекади, аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмак лозимдир – дея афсус – надомат билан бонг уради.

Абдулла Авлониёнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўпламига кирган «Оила мунозараси» шеърида боланинг таълим– тарбия олиши хусусида ота– она ўртасидаги мунозара содда,равон тилда баён қилинган.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Диссертациянинг мазкур бобида оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг назарий асослари, ҳадис ҳикматлари ва мутафаккирлар ижодининг ноёб дурдоналари фалсафий, психологик, педагогик қарашларига оид манбалар ўрганиб таҳлил этилди.

оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантиришга қаратилган ишлар юзасидан кузатиш ва изланишлар олиб бориш шуни кўрсатдики, болаларни шахс сифатида шаклланиши борасида гарчи, кўп ишлар олиб борилган бўлсада, лекин ҳар бир оилада болани шахс бўлиб шаклланиши муҳим бир босқич ҳисобланади. Чунки бунга ҳар бир ота – она чуқурроқ ёндашиб имкон қадар боласи билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, оилавий тарбияга жиддий эътибор бериш зарур. Оиладаги тарбия – бу умумий ижтимоий тарбия жараёнининг шундай босқичи, у инсоннинг кейинчалик бутун умри давомида оладиган маърифат ва ҳаёт сабоқлари учун асос, замин, пойдевор вазифасини ўтайди.

Оилани мустаҳкамлашда болалар шахсини шакллантириш уларни маънавий – ахлоқий комолотида мукаммал, етук ва баркамол инсон бўлиб етишиш ғоят катта тарбиявий таъсир қудратига эга. Оилада энг яхши ва олижаноб анъаналар руҳида тарбияланган бола ўзини англашга, ўзлигини кўрсатиб, ўз шахсини намоён этишга ҳаракат қилади.

Бола шахсини шакллантириш борасида педагоглар, психологлар ва мутафаккирлар қандай ишлар олиб борганлигини ўрганиб чиқилди ва турли метод, усуллар назарияси очиқ берилди.

2 – БОБ. ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.

**2.1. Бола шахсини шакллантиришда мактабгача таълим муассасаси,
оила, мактаб ҳамда маҳалла жамоасининг ҳамкорликдаги фаолиятлари.**

Ўғилга отаси қилди васият:

“Бахтиёр болам, қуй қулоғингга панд –

ўз элига вафо қилмаган киши

на севимли бўлур ва на донишманд”.

Садъий Шерозий.

Тарбия боланинг феъл – атворини шакллантиришда чинакам ҳал қилувчи кучдир. Тарбиянинг энг улкан ва муҳим маскани – бу оила. В.А.Сухомлинский ёзганидек, “Оила одам ўзида олижанобликни шакллантирадиган энг биринчи муҳитдир”. Жамиятимиз олға одимлар экан, болаларни камол топтиришнинг янги шарт – шароитлари вужудга келиши муносабати билан оилада ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иш билан кўпроқ банд бўлиш ота – оналарнинг ўз фарзандлари билан ҳар куни шуғулланиш имкониятларини торайтиряпти. Имконият ҳар кимда ҳар хил бўлгани боис тарбия муаммоларини ҳал қилиш ҳаётий вазиятлар хилма – хиллиги сабабли доимо мураккабдир. Тарбияда бир хил йўналиши йўқ ва бу йўналишнинг бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир тарбия турли ҳаётий шароитларда амалга оширилади, ота – оналар бир – бирларга ўхшамаганликлари каби болалар ҳам ҳар хил, уларнинг феъл – атвори ҳам табиийки, турличадир. Демак, унутмаслик лозимки, оиладаги ҳар бир бола тарбиясига алоҳида, ўзига хос равишда ёндошмоқ зарур.

Ўзбек оиласида фарзанднинг дунёга келиши буюк тантана, битмас – туганмас қувончдир. Айниқса, ўғил фарзанднинг туғилиши оила аъзоларига муайян масъулият тиклайди. Ахир ўғил бола насл давомчиси, оила устун, қолаверса, ватан ҳимоячисидир.

Фарзанд тарбияси фанларнинг бурчи бўлса, оталар учун муқаддас мажбуриятдир. Бола тарбиясида ота билан онанинг роли бир хил, бироқ шарқона урф – одатларга биноан ота қадимданоқ оила бошлиғи ҳисобланган. Шунга кўра унинг одиллик, ҳалоллик, қатъиятлилиқ каби ижобий хислатлари ҳам, бошқаларни ранжитадиган салбий хусусиятлари ҳам болага ўтиши, табиий ҳолдир.

Талабчанлик – отанинг болаларга таъсирида бош мезондир. Талабчан ота, одатда, меҳрибон бўлади. Ўғил бола мардлик, қатъиятлик, садоқат ва дўстлик, муҳаббатдаги олижанобликни, эркакча қадр қимматни айнан отадан ўрганади. Бундан кўринадики, маънавий баркамол инсон тарбияси оталар зиммасига ғоят улкан масъулият юклайди.

Кайковус ўз фарзандига панд – насиҳат қиларкан, шундай ёзади: “Эй фарзанд, хушёр бўл, йигитлик вақтингда такаббур бўлма...”

Ҳаммавақт йигитлар билан ҳамсухбат бўлаверма, қарилар билан ҳам ҳамсухбат бўл...

Йигит ўзини ҳаммадан доно билади, аммо шу иши билан у ҳаммадан нодондир. Бас, эй фарзанд, ана шу йигитлардан ҳисобланма, қариларни ҳурмат қил, уларнинг ҳақида беҳуда сўз айтма, уларнинг олдида одоб ва камтарлик билан сўзла”. Бундан кўринадики, қадимдан оталар ўз фарзандларига нафақат маълум бир хусусият ва хислатларни, балки одамлараро муносабатларни ҳам ўргатиб келишган. Зеро, Низомий айтганидек “Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл олади”.

Оталик туйғуси каби муқаддас ва буюк туйғу. Лотин мақолида айтилишича: “Сўзлар ўргатади, аммо ўрнатқ эргаштиради”. Шундай экан, оталар панд – насиҳатлардан ташқари ўз ҳаракатлари, ўзларини тутишлари, атрофдагилар билан муносабатлари орқали фарзандларига ўрнатқ бўлиб, уларни шу тарзда тарбия қилмоқликлари лозим.

Ота – она тарбия жараёнида ўзларининг дастлабки тарбиячи эканликларини унутмаган ҳамда қуйидагиларга эътиборни қаратмоқлари даркор:

- Ота – оналар ҳар борада доимо адолатли бўлишлари керак;
- Ота – оналарнинг болаларга муносабати фақат ўз сўзини ўтказиш ва хоказо тарзида бўлмаслиги керак;
- Бола неча ёшда бўлишидан қатъи назар унинг шахсини ҳурмат қилиш лозим;
- Ота – оналар ҳар қанча банд бўлишларига қарамай фарзандлари билан бевосита мулоқотда бўлиш учун вақт ажратмоқликлари даркор, чунки юзма – юз мулоқот ўрнини ҳеч нарса тўлдиролмайди;
- Оилада муносабатнинг ошкора усулига амал қилиш лозим, аммо ота – оналар билан болалар ўртасидаги муносабатларда масофа бўлиш зарур;
- Ҳар қандай ота – она учун ўз ёшлигини эслаши ғоят муҳимдир, шунда ўз болаларини тушунадилар ва болаларида катталарга нисбатан ҳурмат уйғотадилар.

Тарбиянинг илк маскани оила - бу миллат равнақи ва тараққиётини, унинг ижтимоий нуфузини белгилаб берувчи ирмоқдир. Шу ирмоқ – нечоғли мусаффо бўлса, демакки, жамият ҳам мусаффолик йўлидан кетади.¹

Оилада бола тарбияси давлат сиёсатидаги устивор омилларидан бири эканлиги. Оила ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оила ва унинг муқаддаслигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 1998 йил Оила йили, 1999 йил Аёллар йили ва 2000 йили Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Олий мажлиснинг XI сессиясида – қабул қилинган “Оила кодексида” эса

¹ “Бола ва замон” журнали. № 3/2007 (8) 50-бет.

оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этишда ҳуқуқий кафолат бўлиб ҳизмат қилади.

Ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган оила ўз бурчларини ҳам унутмаслиги лозим. Шулардан энг асосийси, оилани яхши оила қилиб кўрсатувчи фазилатлардан бири фарзандларни оила қуришга тайёрлашдир. Мамлакатимизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш – оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Шу боисдан ҳам “Кадрлар тайёрлаш бўйича дастур”да мана шу масалага алоҳида урғу берилган.

Яъни

- Оила оилавий анъаналарни ҳамда маънавий ахлоқий меросни сақлаб қолувчи, давом эттирувчи,
- Жамиятнинг энг кичик бир қисми бўлиб, боланинг маданий, эстетик ва бошқа эҳтиёжлари ўсишини ва соғлом турмуш тарзини таъминловчи,
- Боланинг феъл - атворининг асосларини шакллантирувчи биринчи мураббий,
- “ҳаётнинг барча жабҳаларида ёш авлоднинг доимо маслаҳатчиси, йўл – йўриқ кўрсатувчисидир”, - дейилади.
- Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳуқуқий асосларини ҳимоя қилишни таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;
- Оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт – шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилиш ва билим даражасини ошириш учун имкониятларни яхшилаш;
- Оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт – шароитлар яратиш, оиланинг даромаларини, оила аъзоларини иш билан таъминлаш даражасини ошириш, рўзгор юмуши ва турмуш

шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш;

- Оиланинг маънавий ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш учун шарт – шароитлар яратиш;
- Оиланинг соғлом ақл – заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;
- Оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ этиш, оила хотин – қизлар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини кўрсатувчи статистика ҳисоботини тўплаш ва такомиллаштириш;

Дарҳақиқат Ватанимиз мустақиллигининг қисқа даври ичида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатини ошириш, оиланинг ижтимоий – иқтисодий, манфаатини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий – маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий – ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, ночор оилаларни, ногиронларни, қаровсиз кексалар, ёлғизларни ижтимоий қўллаб қувватлаш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Нега оила масалаларига, унинг мавқеини мустаҳкамлашга бунчалик катта эътибор берилмоқда?

Ҳар бир оила узоқ тарихга ва чуқур илдизга эга бўлган тарихий ижтимоий ходиса сифатида кишилик жамияти тараққиётида ўзига хос бетакрор хусусиятлари билан унинг ривожланишида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Манбаларнинг кўрсатиш ва тадқиқотларнинг фикрича, кишилик жамияти пайдо бўлишнинг дастлабки давларида гуруҳий никоҳ, яъни полигамия (кўп никоҳлик) асосида эркак ва аёл тартибсиз жинсий муносабатда бўлган холда турмуш кечиришган. Кейинчалик эса эркак ва

аёлни турмуш тарзи матриархал, кейинчалик эса патриархал ҳукмронлик асосига қурилган.

Ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши, жамиятнинг ўзгариши, шу ўзгаришларнинг инсонлар онгига, таъсири, шу аснода улар фикрлашининг ўсиб бориши оила ва оилавий муносабатларнинг шаклланишига олиб келган¹.

Хўш, ҳозирги замон ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Мустақил инсон бўлиб Оила Жамият табиат қонун – қоидалари асосида барпо этилса ва яшасада, оиладаги эр – хотин, ота – она ва фарзандлар, қайнона ва қайнота, қайниука ва сингиллар, ўртасидаги ўзаро муносабатлар, оила анъаналари ва қадриятлари борасида қолаверади.

Лекин, у ёки бу тузум, давлат ёки жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий, мафкуравий, маънавий – ахлоқий борадаги устувор ғоялари бу муносабатларга бевосита ёки билвосита ижобий ёки салбий таъсир этмасдан қолмайди.

1. Оиланинг ўзига хос қатор вазифалари мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири – репродуктивликдир.
2. Оиланинг яна бир ўзига хос хусусияти, унинг – нуклеарлигидир.
3. Оиланинг вазифаларидан яна бири иқтисодий – молиявий хўжалигининг фаолиятини тўғри юритишдир.
4. Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири – тарбия ҳисобланади.
5. Оиланинг фазифаларидан яна бири – дунё воқеаларидан воқифликдир.

Демак, оила жамиятнинг асосий негизи бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигидан жамият манфаатдордир.

Дарҳақиқат, доноларимиз таъбири билан айтганда, “Оила – жамиятнинг дуру гавҳаридир”.

¹ Дворкина М.Я. Библиотечное обслуживание: теоретический аспект: (Монография). - М.: МГИК, 1993.- 249 с.

Ушбу дуру гавхарнинг мусаффолиги, атроф - муҳитга эстетик таъсирчанлиги, одамлар муҳаббатига доимий сазоворлигини таъминлаш оиланинг ҳар бир аъзосидан жуда катта масъулият талаб этади.

Оила деб аталмиш муқаддас салтанатнинг топталиши, бузилишига ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Чунки оила давлат таянчи, бахт ва саодат белгисидир. Оила муқаддас тушунча бўлиб, у кўп минг йиллик тарихга бориб тақалади. Мотрудий жамоа тузуми даврида ҳам оилавий муносабатлар мавжуд бўлиб, бу муносабатларда ибтидоий тузум кўринишлари ўз аксини топган эди. Жамиятнинг ривожланиши билан мавжуд барча ижтимоий муносабатлар ҳам шаклланиб тараққиё этиб борган. Шу жумладан, оила ҳам. Оила жамиятнинг асосий бўғини, ҳисобланиб, доимо жамият томонидан муҳофазасида бўлган. Оиланинг жамият томонидан муҳофаза қилинишга дунё миқёсида тан олинаётган инсон ҳуқуқларига оид бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам асосий таянч вазифасини ўтамоқда. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, давлатларнинг асосий қонунлари, яъни конституциялари ҳисобланади.

Давлатимиз тараққиёти унда камол топаётган ёш авлоднинг комиллик даражаси, оиланинг мустаҳкамлигига боғлиқлиги сир эмас. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, жамиятнинг асосий бўғинини оила ташкил этади. Демакки, оила ҳалқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос қадриятларни сақловчи жамоа аجدоддан авлодга етказувчи муҳим ижтимоий институтдир. Табиийки, бизнинг орзу – умидларимизнинг ушалиши келажак авлодимизга, фарзандларимизга бевосита боғлиқ. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши бежис эмас. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, юрт ҳам шунча фаровон бўлади. Осойишта оилада бахтли фарзанд туғилади.

Зеро, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, “Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф –

одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишга бевосита таъсир кўрсатадиган тарбиячи эканини тан олишимиз даркор”.

Оила – фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси. Бу муқадас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия олади. Оилада болалар тарбияси, уларга таълим – тарбия бериш, таъминлаш ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр – хотин биргаликда ҳал қилишлари лозим ҳамда ҳар иккиси ҳам боланинг келажаги учун бирдек масъул ҳисобланади. Ота – она ўз боласининг ахлоқий ва ҳуқуқий маданияти учун жамият олдида ҳам жавобгардир. Чунки болани дунёга келтиришдан кўра уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, комил фарзанд қилиб тарбиялаш мумкинроқдир. Шунинг учун ҳам соғлом – маънавий – ахлоқи муҳитни вужудга келтириш ва уни миллий ғоя руҳида мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади.¹

Шахснинг ривожланишида мустақил мутоалаа орқали билим олиш, ўз – ўзини тарбиялаш эса ўсмирлик давридан бошланади. Болаликда олган билимлари ва тарбияси асосида тасаввур этиш, интуиция, мушоҳада қилиш асосида мантиқий фикр юритиш бошлангандан кейин ўзини – ўзи ривожлантириш шаклланиб боради.

Талаба ўзини – ўзи бошқара олдами, демак, у ўзини – ўзи тарбиялайди, ривожлантиради, баркамол инсон даражаси томон ўсиб – улғайиб боради. Ўзини – ўзи бошқариш жараёнида ўз шахсининг хўжайини бўлиб, ҳаётини ўйлаб, янгилик томон интилиш, ички дунёсини бойитиб бориш, кундалик яшаш тарзи кўникмаси пайдо бўлади. Талаба ўз – ўзини тарбиялашда, ривожлантиришда, такомиллашишида давлат, жамият, оила, маҳалла, ўқиётган таълим муассасалари билан ўзаро муносабатлари фаоллашиб, ўсиб боради.

Шахснинг ўзини – ўзи тарбия топтириш ва ривожланишида мустақил таълим олиш дастурига эга бўлиш, ўз фаолиятини тизимли равишда таҳлил

¹ “Тарбия” журнали 1 – сон (41) 2012 йил. 2-3-4-5 – бетлар.

эта олиши яхши натижаларга олиб келади. Шу сабабли ҳам Мирзо Улуғбек ўз даврида “Мустақил мутола билим олишнинг калитидир” деганда, ҳақ эди.¹

Соғлом оила бу нафақат жисмонан, балки ақлан камолга етган икки жинс вакилининг бир – бирини севиш, ардоқлаш, ҳурмат қилиш асосида ихтиёрий равишда, қалб ҳоҳиши билан тузган қонуний иттифоқидир. Оила халқнинг, жамиятнинг ҳаёти ва турмушга оид урф – одатларини ўзида синовдан ўтказган, шунингдек, жамият иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини белгилашга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, оила ўзаро келишув асосида фарзандни дунёга келтириш ҳамда жамият ҳаётининг давомийлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб, шу мақсад асосида жамиятга соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдек буюк вазифани ўз зиммасига олди – Зеро!

Фарзанд тарбиясининг мураккаблиги ва унинг аҳамияти ҳақида Амир Темур шундай дейди:

“Мен фарзанд тарбиялашда давлатни бошқаришдан кўра чуқурроқ мушоҳада , ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик кераклигига ишонч ҳосил қилдим”.

Табаррук манбаларимиз бўлмиш Қуроъни Каримни, Хадиси шарифларни, аждодларимиз маънавий мероси ҳисобланган “Қобуснома”, “Шоҳнома”, “Бобурнома”, “Гулистон”, “Бўстон”, “Темур тузуклари”, “Қутадғу билиг”, “Маҳбуб ул - қулуб” каби асарларни мутолаа қилсак, инсоннинг шаклланишида тарбия муҳим омил эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ер юзида оилалар кўп, лекин ўзбек оилаларидек мустаҳкамлиги, болажонлиги, тарихдан – қондошлик ришталарини ҳурмат қилиш, меҳр – оқибат ва бошқа қадриятлари билан ажралиб турадиган оилалар кам бўлса керак. Ана шундай оқибатли оилаларда одобли, билимдон, меҳнатсевар ва иймон – эътиқодли фарзанд нафақат ота – онанинг, балки жамиятнинг энг катта бойлиги бўлган инсон шаклланади.

¹ “Тарбия” журнали. 3 – сон (43) 2012 йил. 7-8 бетлар.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Онгли яшайдиган ҳар бир одам англайдиган, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлиши фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”.

Инсоннинг ахлоқий, маънавий ва рухий қиёфаси оилада шаклланади. Шу оилада инсон жамиятнинг миллатнинг қиёфасини кўради. Бу борада, Абу Али ибн Сино ёш болани яхши ахлоқли, жисмонан соғлом бўлиб камол топтиришда шахсий намуна бўлиш усули муҳимлигини кўп уқтиради. “Бола тарбиясида оила ҳаётини тўғри йўлга қўйиш муҳи аҳамиятга эга. Чунки оилада катта кичик нарса бўлмайди. Ҳамма нарса, ҳатто, энг оддий бўлиб кўринган оилавий муносабатлар ҳам болага таъсир кўрсатади. Айниқса, ростгўйлик, самимийлик, садоқатли, ширинсухан бўлиш бола камолотидаги зарур ҳаётӣй воситалардандир”, - деб ёзади улуғ аллома.

Ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашда нафақат оила аъзоларининг, балки жамиятдаги шахсларнинг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаб, Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри ёки фазилат, бахт ва камолот ҳақида” номли асарида шундай дейди: “Ҳеч ким, ҳеч қачон аввал бошидан комил инсон бўлиб туғилмайди, аммо туғма равишда ўзига хос ички шуурга эга бўлади ва бу шуур билан босқичма – босқич комиликка шахд билан интилади. Демак, соғлом турмуш тарзига ҳам жамиятдаги шахслар таъсири орқали эришилади”.

Ушбу сўзлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, жамиятда яшар эканмиз, нафақат ўз оиламиз, балки кўчамиздаги, маҳалламиздаги оилаларнинг мустаҳкам бўлишга ҳам ҳар биримиз масъулдирмиз.

Бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоӣй – маънавий қиёфасини кўради. Жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида англайди.

Шахснинг маънавий сифатларга эга бўлиши, унда маънавий билимларга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишнинг пайдо бўлиши оила тарбияси асосида амалга ошади.

Миллий истиклолга эришгандан сўнг ўзликни англаш туйғусининг қарор топганлигини, ўтмиш кадриятларини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортганлиги, оиланинг шахс камолотида тутган ўрни ва аҳамиятини, холисона баҳолаш имконини беради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрларни баён этади: “Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб – эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади. Ўзбекистон халқининг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса унинг олий даражадаги маънавий кадрияти, инсон қалбининг гавҳаридир”.

Оила тарбиясида объектив ва субъектив омилларнинг моддий таъминоти ва фаровонлиги, шу билан бирга маиший турмуш даражаси, оила бюджетининг мавжуд ҳолати, ундан оқилона фойдаланиш борасидаги тажриба, соғлом руҳий муҳитнинг барқарорлиги ва ҳоказолар кирса; оиладаги шахслараро муносабатлар мазмуни, оила аъзоларининг физиологик – психологик, маданий жиҳатдан қамқов ҳамда маълумот даражаси, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари ўртасидаги муносабатлик, бирлик тамойилларига таяниш ва шу қабилар субъектив омиллар сирасига қиради. Оила жисмоний ва психологик жиҳатдан соғлом маънавий баркамол, меҳнатга жамоа оилавий ҳаётга тайёр шахсни шакллантириб бериши лозим. Оила тарбияси мазмуни болаларга “ижтимоий тарбиянинг йўналишлари; жисмоний, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий – ғоявий ҳамда жинсий тарбия бериш, уларда фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.”¹

Тарбия – секинлик ва тартиб билан камолот касб эттириш демакдир. Тарбия қилувчининг ҳиммати соясида болаларда бўлган қуч – қувват яна ҳам ошади, табиий истеъдодлари иш қилишга ҳозирланади. Дехқонлар ерга дон, уруғ сочмасдан, боғбонлар ниҳол ўтқазмасдан олдин ерни яхшилаб юмшатганлари, ёмон зарарли ўтларни ҳатто томирларигача чиқариб

¹ “Педагогика” Ж.Хасанбоев, Х.Тўракулов, И.Асқаров, Н.Усмонов. “Нашир”. Тошкент. 2011 йил.

ташлашлари маълумдир. Шунга ўхшаш болаларни ҳам токи кичиклик чоғларидан бошлаб гўзал тарбия этиш лозимдир. Яхши тарбия қилинмаган ердан мўл ҳосил олинмагани каби, гўзал тарбия берилмаган бола ҳам жамиятнинг чин фарзанди, фойдали аъзоси бўлиб етишмайди.

Болаларнинг ёшликда ота – она қучоғида олган тарбияси биринчи тарбия, мактаб берган тарбия иккинчи тарбия, ундан кейингиси учинчи тарбия номини олади. Бу тарбиялардан биринчиси ота – оналар, иккинчиси муаллимлар, учинчиси эса китоблар, газета – журналлар, қариндош – уруғлар, дўстлар ва бошқа зотлар томонидан таҳсил этилади.¹

¹ Донишмандлар тарбия хусусида. Тошкент. “Ўқитувчи” – 1982 йил. 16 бет.

2.2. Мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг педагогик - психологик жиҳатлари.

Ҳар қандай жамият тараққиётида оилаларнинг, оилалар мустаҳкамлигининг ўрни бекиёсдир. Чунки тирик организмнинг саломатлиги уни ташкил қилувчи ҳар бир хужайранинг соғломлигига боғлиқ бўлганидек. Бутун организм ўз фаолиятини мақсадга мувофиқ амалга оширишда ҳар бир хужайранинг муносиб ўрни бўлганидек, оила ҳам давлат. Жамият деб аталган бутун бир организмни ташкил этувчи хужайрадир. Ҳар бир оиланинг соғлом бўлиши, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, мана шу муҳитда дунёга келиб шахс сифатида шаклланиб, сўнг ўзи яшаётган давлатнинг фуқароси сифатида ўз давлатининг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти тараққиётини таъминловчи, ҳал қилувчи омил бўлган инсон камолотида оиланинг тутган ўрни бекиёсдир.

Демак, оилаларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий хавфсизлигини, унинг равнақи, тараққиётни белгиловчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳозирги вақтда жамиятимиз истиқболлари учун жиддий хавф туғдираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, ички ва ташқи омилларнинг тақдири ортиб бораётган айни вақтда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ва бу масалани тўғри ҳал этилишининг асосий йўли бўлмиш ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи ҳеч кечиктириб бўлмайдиган, сусткашликка йўл қўйиб бўлмайдиган, ўта жиддий ёндошишларни талаб этувчи давлат, ҳукумат миқёсидаги долзарб масаладир.¹

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, мен айтган бўлардимки, ҳал қилувчи бўғини ва уни ҳар томонлама

¹ Оила психологияси. Профессор Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. Тошкент – 2001й. “Шарқ” Нашриёт – матба акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Ў 15, О – 38. 10-11 бетлар.

асраб – авайлаш тадбирларини бўлажак дастурнинг узвий қисми сифатида кўришимиз зарур.

Ҳалқимизда “Қуш ўз уясида кўрганини қилади”, деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно – мазмун бор.

Ўғил – қизларимизни эл юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш, аввало, оила бағрида, оиланинг соғлом иқлими, ота – онанинг бир – бирига меҳри ва ҳурмати шароитида чуқур илдиз отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Бундан хулоса шуки, соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа, деб билишимиз даркор. Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва техникали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёш ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиш табиийдир.¹

Бенджамин Слок фикрича. Жазолаш тарбиялаш услуби эмас. Жазолаш йўли билан ёмон хулқ – атворни тўғрилаб ёки ўзгартириб бўлмайди. Ота – оналар болани жазолаши эмас, бола нима учун гапга кирмаётганининг, у бошқалардан нимани ва нима учун ҳоҳлаётганинг сабабини аниқлаши керак. Бунда болага ўзини қандай тутиши кераклигини, ундан нимани ва нима учун ҳоҳлаётганингизни тушунтириш. Бола эркалик қилишни бошласа, унинг чегарадан чиқиб кетишига йўл қўйманг.

Жан Голь шундай деган: “Мактаб фақат ўқитиши мумкин, оила эса ҳамиша ва тўхтовсиз давом этиши шарт”.

¹ “Баркамол авлод йили” давлат дастури. Тошкент “Ўзбекистон”. 2010 йил. И.А.Каримов. 6 – бет.

Мактабгача ва мактаб даврида ўғил боланинг биринчи маслаҳатгўйи ва рухий раҳбари ота бўлиши керак. Шундагина ота унинг ҳақиқий отаси ҳисобланади, чунки у боланинг жисмоний ва моддий ҳаётида, рухий тарбиясида ҳам ота тарбиячидир. Аёлларга хос тарбияни фақат она бериши мумкин. Аммо ота тарбияси ҳам ҳеч қандай ортиқчалик қилмайди. Ота – эркак – тарбиядаги қонун вакили, она – аёл – феъл – атвор вакили.¹

Тарбия – одат.

- Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил.
- Дарахтига кўра – меваси, ота – онасига кўра – боласи.
- Онадан кўрган тўн бичар,
Отадан кўрган ўй йўнар.

Оила ва қўшничилик

- Болага тегма балоси чиқар,
- Болали уй – хандон боласиз уй – зиндон.
- Болали уй гап ётмас.
- Оналик уйнинг ори бор.
Оталик уйнинг зари.
- Отанг ким? Ошқовоқ! Онанг ким? Носқовоқ!
Сенга ким қўйибди нозу фироқ?!
- Ота билан, она – юрак.
- Яхши кўрсанг боласин, иззат қилгин онасин.²

Шахснинг камол топишида ва унинг ҳулқиға ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Сабаби одамнинг ҳулқиға, муносабатига ва алоқаларига ёши, билими ҳаётий тажрибаси, одатлари ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасида, турли

¹ Оила этикети ёхуд оила даврасида одоб қоидалари. Тошкент. “Янги аср авлоди” 2011 йил. 16-17-18 – бетлар.

² Ҳалқ оғзаки ижоди. Ўзбек халқ мақоллари 65 мавзуда мақоллар гулдастаси. “Янги аср авлоди” 2012 йил. 120-121-122-123- бетлар.

вазиятларда кузатиб кўриш лозим¹. Шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахснинг ривожлантириш вазифасини тўғри хал қилиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ – керак.

Педагогикада “Шахс” тушунчаси “Инсон” тушунчасидан фарқли ўлароқ, инсоннинг ижтимоий хусусиятларини англатади. Янги жамият бошқа одамлар билан муомалада бўлиши, муносабат ўрнатиши натижасида шаклланиб борадиган сифатларни билдиради. Инсон рухий хусусиятларининг ривожланиши (ақл, идрок, диққат, ҳаракат ва ҳ.к.), ҳаётда ўз ўрнини топа олиши, унинг Ватан, халқнинг равнақи йўлида оғишмай, эътиқод билан хизмат қилиши, имонли бўлиши инсонни шахс даражасига кўтаради. Бундай сифатларнинг рўёбга чиқиши тарбияга боғлиқ бўлади.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али ибн Сино ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор бериб келганлар. Фаробий инсон камолотида таълим – тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: “Муносиб инсон бўлиш учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса кишилар билан мулоқотда ахлоқий кадр – қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир ...” дейди.

Абу Али ибн Сино этика ва ахлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда ёритиб беришга ҳаракат қилган. У айниқса, оила тарбиясида ота – онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: “Бола туғилгач, аввало, оила тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса, оила бахтли бўлади” деган фикрни илгари суради.

¹ Дети и подростки в мире книжной культуры: По итогам социол. исслед.: Сб. науч.тр. / РГБ; сост. А.И.Лебедева.- М., 1993. - 128 с.

-Бола шахсининг ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади.

-Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан бири ташқи муҳитдир. Муҳит деганда кишига табиий таъсир этадиган ташқи воқеалар мажмуи тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) киради.

Тарбия муҳит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи раҳбарлигида мунтазам амалга ошириб борилади.¹

Инсонпарвар ҳукукий давлатда мавжуд бўлган оилага қуйидагича тариф мавжуд: “Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлиб, юридик маънода никоҳ, қариндошлик, фарзандликка олиш ёки бошқа шаклларда болаларни доимий тарбияга олишдан келиб чиқадиган тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган шахслар доирасидан иборат бўлган миллий мустақиллик мафкурасига, умуминсоний қадириятлар ва шарқона анъаналарга асосланган оилавий муносабатларни ривожлантириб, уни мустаҳкамлашга қаратилган фуқаролар иштирокидан иборатдир”.

Оила жамиятнинг асосий бўғини, у никоҳ ва қон – қариндошликка асосланиши ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, шунингдек, жамият ва давлат оилани, оталик, оналик ва болаликни химоя қилади ва оилавий муносабатларга умуминсоний ва миллий қадириятлар жорий этилишини таъминлайди.

Социология оилага яхлит ижтимоий организмнинг қисми, жамият бўғини, ижтимоий бўғини, ижтимоий тарбия жамоаси сифатида қарайди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар албатта, оилада ўз аксини топади. Бироқ бошқа – ишлаб чиқариш касбий сиёсий ижтимоий бирлашмалардан фарқли равишда. Оила тўғридан - тўғри қайта қуришга

¹ Р.Мавлонова, Н.Воҳидова, Н.Раҳмонкулова. “Педагогика назарияси ва тарихи”. Тошкент. 2010 йил. 74.00 да 73 №41. 19-20-21-22-23-24 – бетлар.

учрамайди. Оиланинг ахлоқий, психологик жихатдан яхшиланиши узоқ, мураккаб, қарама – қаршиликларга боғлиқ жараёндир.

Иқтисодий соҳадагига қараганда, янги муносабат, янги ахлоқ меъёрлари секин суръатларда амалга ошади. Оилавий ўзгаришларнинг амалга ошишида ижтимоий – иқтисодий омиллардан ташқари, бошқа биологик, психологик, демографик омиллар ҳам иштирок этади.

Олимларнинг фикрича, одамлар ҳаётининг бирдан – бир тўғри йўли оилавий ҳаётдир.

Оила инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойи. Шунингдек, оила муҳим тарбия ўчоғи ҳамдир.

Оилада болалар тарбиясида ота – боболар, момолардан ўтган яхши удум, одамлар мавжуд. Педагогика фанлари доктори профессор М.Исломова оиланинг қуйидаги жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатган:

- Биринчидан, оила ўзига хос ва такрорланмас таъсирга эга;
- Иккинчидан, оила учун ўзига хос “кўзгу” бўлиб, ота – онанинг шахсий намунаси, ибрати бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади;
- Учинчидан, оила шароитида болаларда ўзгаларга нисбатан ҳамдардлик туйғулари ҳам тарбияланади;
- Бешинчидан, оиладаги маиший турмушда боланинг иштирок этиши ҳам ахлоқий тарбиянинг муҳим омили саналади;
- Олтинчидан, оила эр – хотинлик, ота – оналик вазифаларини акс эттиради. Ота – онанинг бир – бирига бўлган муҳаббати болага таъсир кўрсатадиган асосий тарбиявий омиллардан бирига айланиш мумкин.

Демак, оила – тарбиявий жамоа ва ҳеч ким ҳеч қандай ҳолатда оиланинг вазифасини бажара олмайди.

Оила ҳаёти кўп томонламали муносабатлар билан тавсифланади; ижтимоий – биологик, хўжалик – иқтисодий, ахлоқий, психологик. Оила ривожининг ҳар бир босқичи бир функциянинг тугаши, бошқасининг пайдо

бўлиши, унинг аъзоларининг ижтимоий фаолиятининг ўсиб бориш кўлами ва тавсифи билан боғлиқ. В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Исаевларнинг фикрича оила жамият ва одамларга муносабати бўйича муҳим ижтимоий аҳамиятга эга функцияларни бажаради.

Жамиятга муносабати бўйича оиланинг вазифалари қуйидагиларда акс этади:

- Аҳолининг табиий кўпайиши. Авлодларнинг алмашинуви учун давлат томонидан белгиланган доирада болалар сони мувофик бўлиши зарур.
- Тарбиявий вазифаси – билим, кўникма ва малакалар, меъёрлар, кадриятлар, маънавий бойликларни узатиш.
- Ишлаб чиқарувчи – хўжалик. Социологларнинг кўрсатишича оиланинг оила ишларидан тўлиқ ажралишлари учун қўшимча 40 – 45 млн одам талаб этилади.
- Бўш вақтни ташкил этиш.

Инсонга муносабат бўйича оиланинг вазифалари қуйидагича.

- Эр – хотинлик вазифаси. Эр – хотинлар – энг яқин кишилар, улар ўзаро бир – бирини тўлдиради, бир – биридан руҳий мадад олади.
- Ота – оналик вазифаси. Оила қариганда ота – оналарнинг ҳаётини безаги учун зарур бўлган иштиёқни таъминлайди.
- Турмушини йўлга қўйиш.

Бундан ташқари педагогик – психологик адабиётларда ҳозирги замон оиласининг қуйидаги вазифалари ажратиб кўрсатилган: иқтисодий, ижтимоий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив, фелиооциотологик ва бошқалар¹.

Оиланинг иқтисодий функцияси унинг асосий функцияларидан бири бўлиб, оила бюджетини тўғри тақсимлаш, оилада ўсиб – улғаётган болаларни тежамкорликка, тадбиркорликка ўргатишни назарда тутди.

¹ Левин В.А. Когда маленький школьник становится большим читателем. - М.: Лайда, 1994. - 180 с.

Оиланинг ижтимоий функцияси. Ижтимоийлашув жараёни болаликда бошланиб, уларнинг охиригача давом этади. Шунинг учун шубҳасиз бу ерда айниқса, болалик даврида оила ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қуйида ижтимоийлашувнинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтамиз:

1. Оила инсоннинг жисмоний ва эмоционал ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бу ролни ижтимоийлашувнинг бошқа институтлари билан алмаштириб бўлмайди.
2. Оилада боланинг психологик жинси шаклланади. Айнан оилада такрорланмас жинсий табақалар жараёни амалга ошади.
3. Оила боланинг ақлий тараққиётида етакчи роль ўйнайди, болалар, ўсмирлар ва ўспиринларнинг ўқишга муносабатларига таъсир этади.
4. Оилада инсоннинг ижтимоий меъёрларни эгаллаши амалга ошади. Бу меъёрлар орасида энг аввало, бўлажак оила бошлиғи ролдир.
5. Оила инсоннинг қадриятга йўналганлиги учун пойдевор вазифасини бажаради. Улар ижтимоий ва этнослараро муносабатларда намоён бўлади, ҳаёт тарзи, интилиши даражаси ва соҳаси, ҳаётини қарашларини аниқлайди.
6. Оиланинг шахс ижтимоий ривожига роли буюқдир. Оиланинг қадрияти ва атмосфераси унинг ўз – ўзини ривожлантириш муҳитининг қанчалик шакллانганлиги ва ўз – ўзини реализациялашга имкон бериши билан белгиланади.

Оиланинг муҳим бўлган функцияларидан яна бири унинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуклигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функциясининг асосий моҳияти инсон турини давом эттиришдан иборатдир.

Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир функцияси тарбиялаш функциясидир. Оиланинг тарбиявий имкониятлари беқиёсдир. Боланинг табиий аҳамиятлари ва насл – насаби қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, тарбия ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб оиланинг тарбиявий функцияси ҳақида шундай хулосаларга келиш мумкин:

- Оиланинг болага таъсири бошқа ҳар қандай тарбиявий ҳаракатлардан кучли;
- Оилада шундай сифатлар шаклланадики, оиладан ташқари ҳеч қаерда бундай сифатлар шаклланиши мумкин эмас;
- Оила шахс ижтимоийлашувини амалга оширади. Оиладан жамият аъзолари етишиб чиқади; Қандай оила шундай жамият.
- Оила анъаналарининг давомийлигини таъминлайди;
- Оиланинг муҳим ижтимоий функцияси фуқаро, ватанпарвар, бўлғуси оила бошлиғи, жамиятнинг қонунга риоя қилувчисини тарбиялашда акс этади;
- Оила касб танлашга муҳим таъсир кўрсатади.

Оиланинг рекреатив – ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир – бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишини ташкил этиш функциясидир.

Оиланинг коммуникатив функцияси оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелиоцитологик функциясидир (италиянча – “фэлицитт” - бахт). Оилада эр – хотиннинг бир – бирини тўлиқ тушуниш – уларнинг ўзларини бахтли хис қилишларини таъминлайди.

Оиланинг регулятив функцияси оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади.

Оиланинг релаксация функцияси деганда оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий – жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдир.¹

¹ Ш.Содиқова Мактабгача педагогика. Тошкент – 2012 ил. “Фан ва технология” нашриёти. 210-211-212-213-214-215 – бетлар.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Диссертациянинг иккинчи бобида оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари, бола шахсини шакллантиришда мактабгача таълим муассасаси, оила, мактаб ҳамда маҳалла жамоасининг ҳамкорликдаги фаолиятлари хусусида бола шахсини шакллантириш омилларининг педагогик – психологик жиҳатлари ва оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантириш омилларининг самарадорлигига оид манбалар ўрганилиб, таҳлил этилди.

Мазкур бобда мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари юзасидан кузатиш ва изланишлар шуни кўрсатдики, бола шахсини шакллантириш омиллари борасида кўп ишлар олиб борилган бўлсада, лекин бунга педагогик – психологик жиҳатдан ёндашиб, у мактабгача таълим муассасасида бўладими, оиладими, мактабдами ва маҳалла жамоасидами ҳар бир йўналишда бола ўз шахсий сифатларини ўзида намоён эта билиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Ҳар томонлама шаклланган ривожланган бўлиши ва жамиятга нафи тегадиган инсон яъни шахс бўлиб етишмоғи даркор.

Оила – жамиятнинг биринчи ва бирламчи заррасидир, лекин у шунчалик зарра эмас, тирик вужудлар иттифоқидир. Ҳар бир тирик вужуднинг ўзи алоҳида бир олам.

Ушбу бобда болалар шахсини шакллантириш омиллари борасида педагогик – психологик жиҳатдан қандай ишлар олиб борилганлиги ўрганилиб чиқилди турли усул ва назариялар очиб берилди.

III БОБ: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ЙЎЛИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛГАН ТАЖРИБА – СИНОВ ИШЛАРИ.

3.1. Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш андозаси.

Тадқиқотимиз жараёнида Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг педагогик хусусиятларига оид манбаларни ўргандик. Бу манбаларда болалар шахсини шакллантириш омиллари ҳақида ёзилган бўлиб, биз тадқиқ этаётган муаммонинг асосий ғояларини шакллантиришда ёрдам беради. Инсонни ҳар тамонлама баркамол этиб тарбиялаш, халқимизнинг азалий орзуси бўлиб, аجدодларимиз маърифат, маънавият ва маданият қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш – уларни комилликка етаклаш йуллари, конун-қоидаларини муттасил излаганлар. Бу изланишлар давоми сифатида ўз мавзуимиз юзасидан тадқиқот ишларини амалга оширдик. Бу изланишлар давомида ота-боболаримиз азал-азалдан бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратганликларини ҳам алоҳида эътиборга олдик. Бунда Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Беруний, Аз-Замахшарий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид – Чулпон сингари улуғ олиму адиблар, фозилу-фузалолар болалар шахсини шакллантириш омиллари борасида кўп асарлар битганликлари, шарқ педагогикасининг асосчилари Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асари, Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-кулиб»и, Кайковучнинг «Қобуснома»си каби асарларида бу хусусида алоҳида таъкидланганлиги сўзимизнинг далилидир. Бола туғилгандан то шахс бўлиб вояга етгунга қадар кечадиган жараёнда унга таъсир этувчи омиллар юзасидан шарқ олимлари билан бир қаторда ғарб олимлари хусусан К.Д.Ушинский, Ян Амос Коменскийлар ҳам ўз илмий ишларида фикр юритиб, асарларида кенг ёритиб беришган.

Тадқиқотимиз учун мактабгача ёшдаги болаларга ҳар томонлама тарбия беришга боланинг имкониятлари ва уни илк ёшдан бошлаб тарбиялашнинг роли мактабгача тарбияни ҳаёт, замон билан олиб боғлаб боришнинг зарурлиги бола шахсининг шаклланишида унга таъсир этувчи омилларнинг ҳал қилувчи аҳамиятига асосланган ҳолда бола туғилган кундан бошлаб, уни шахс сифатида жамиятга фойдаси тегадиган бўлгунига қадар бўлган даврда ҳар томонлама етук баркамол этиб тарбиялаш учун таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганишни мақсад қилиб олдик. Мақсадимизни амалга оширишда ўрганган илмий манбаларимизни таҳлил қилиш жараёнида шуни билдикки, биз танлаган мавзу ҳали ўзининг аниқ ечимини топмаган. Муаммонинг ечими шуни кўрсатдики,

Ҳар бир оилада фарзанд муқаддас неъмат ҳисобланиб, унинг шахс сифатида вояга етиши нафақат шу оила учун балки давлат, миллат учун зарурдир. Чунки фарзанд шажара давомчиси, бизнинг эртанги кунга бўлган умидимиз, порлоқ келажагимизнинг ишончидир.

Биз социологик тадқиқот олиб бориш учун Тошкент шаҳри Сергели тумани “Оқибат” маҳалласида истиқомат қилувчи оилаларни танладик.

1.Кўпчилик – яъни тўлиқ оилаларда яшовчи оила вакиллари оилани мустаҳкамлигини таъминлаш учун болалар таълим – тарбияси ва уларга таъсир этувчи омиллар ҳақида оиланинг кекса вакиллари билан суҳбатлар, болаларга ижобий таъсир этувчи урф – одат ва анъаналар давомийлигини таъминлаш.

2.Оилада кекса авлодлар бўлмаган оила вакиллари; оилани мустаҳкамлиги таъминлаш учун болалар таълим – тарбияси ва уларга таъсир этувчи омиллар ҳақида маълумотларни оммавий ахборот воситалари, кўни – қўшнилари ва ёши катта бўлган қариндошлар маслаҳатларига таянадилар.

3.Фарзанд тарбияси билан ёлғиз шуғулланувчи яъни нотўлиқ оила вакиллари; оилада болаларни шахс сифатида таркиб топишларида

фарзандларга таъсир этувчи омиллар уларнинг бола тарбиясидаги ўрни ҳақида деярли маълумотга эга эмасликлари, бу борада бир канча қийинчиликларга дуч келишаётганликлари.

Тадқиқот жараёнида маҳаллада яшовчи оилалар вакилларида ўтказилган сўров натижалари:

Оилани мустаҳкамлигини таъминлашда болалар тарбиясининг ўрни ҳақида биласизми саволига жавоблар кўпчилик – яъни тўлиқ оилаларда яшовчи оила вакиллари – (0.45), Оилада кекса авлодлар бўлмаган оила вакиллари -(0.30), фарзанд тарбияси билан ёлғиз шуғулланувчи яъни нотўлиқ оила вакиллари – (0.10)

Болалар шахсини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ҳақида биласизми саволига жавоблар кўпчилик – яъни тўлиқ оилаларда яшовчи оила вакиллари – (0.30), Оилада кекса авлодлар бўлмаган оила вакиллари -(0.15), фарзанд тарбияси билан ёлғиз шуғулланувчи яъни нотўлиқ оила вакиллари – (0.5)

Ўтказилган социологик тадқиқотдан маълум бўлдики: оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болаларни шахсини шакллантирувчи омиллар ҳақида қисқача маълумотга эга бўлган оила вакиллари болаларни тарбиялашда ота – боболар билан биргаликда улар насихатларига қулоқ солган ҳолда олиб боришади. Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болаларни шахсини шакллантирувчи омиллар ҳақида деярли маълумотга эга бўлмаган оила вакиллари оилада болалар тарбиясини ўзлари мустақил олиб боришга ҳаракат қилаётган ёш ота - оналардир.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шуни аниқладикки, оилаларда мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантиришга уларга таъсир этувчи омиллар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаган ҳолда ўзлари шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб ёндашадилар. Бунинг натижасида болалар тарбиясида айрим кутилм аган камчиликлар юзага келиши ва бу арзимас

камчиликлар вақт ўтгани сари тузатиб бўлмас хатога айланиб бориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда оилаларда мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг аҳамиятини ўрганиш мақсадидан келиб чиқган ҳолда қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

-оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантирувчи омилларнинг назарий илдизларини ўрганган ҳолда замонавий ёндашув.

-оилаларда болалар шахсини шакллантириш учун қилинаётган ишларни ўрганиш ва умулаштириш

-умумлаштирилган маълумотлардан аниқ хулосаларга келиш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида болалар шахсини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Асословчи тажриба даврида оила вакиллариининг оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантириш омилларини ўрганиш ишлари даражасини аниқловчи анкета саволномалари тузилди. Саволномалар биз танлаган оила вакиллари ўртасида ўтказилди.

- 1.Оила нима?
- 2.Оилада оила мустаҳкамлиги учун ким маъсул?
- 3.Оилада бола неча ёшдан тарбияланиши керак?
- 4.Болалар тарбиясида кимлар иштирок этиши керак?
- 5.Болалар оила шароитида мактаб таълимига тайёрлангани маъқулми?
- 6.Бола неча ёшда шахс бўлиб вояга етади?
- 7.Болаларни шахс сифатида тарбиялашда нималарга эътибор қаратиш лозим?
- 8.Бола шахсини шаклланишига таъсир этувчи омиллар қайсилар?

9. Болалар тарбиясига ким кўпроқ маъсул? Отами ё она

10. Бола шахсини шакллантириш учун энг муҳим омил деб нимани биласиз?

Жавоблар таҳлилидан қуйидаги хулосага келдикки, респондентларнинг аксарияти “Оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантирувчи омиллар” ҳақида деярли аниқ маълумотларга эга эмас.

25% оила вакиллари “Оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантирувчи омиллар” хусусида бир нечта тўлиқ бўлмаган фикрлар айта олдилар.

10% оила вакиллари эса оилада болалар тарбияси хусусида ўзларининг тажрибаларидан келиб чиқиб маълумот берганлар.

Сўровнома жавобларининг аксарияти мужмал ва ноаниқ.

Асословчи тажриба – синов даврида оила вакилларининг биз ўрганаётган муаммога эътибор бермасликларининг сабаблари аниқланди.

1. оилаларда бола тарбияси хусусида адабиётлар йўқлиги
2. Кўпчилик оилаларда болаларни шахсий тажрибалардан келиб чиқиб, улар шахсини шакллантирувчи омиллар ҳақида деярли маълумотга эга бўлмасдан олиб боришлари.
3. оилада ота – оналарнинг иш билан банд бўлиб болалар тарбиясига кам вақт ажратишлари ва болалар кўпинча таълим муассасаларида тарбияланишлари, оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантирувчи омиллар хусусида маълумотга эга эмасликлари ва бу маълумотларни билиш учун кимларга мурожат этишни билмасликлари (асосан алоҳида яшаётган оилаларда). Бунинг сабаби улар фикр алмашишлари учун бола тарбияси ҳақида кўп маълумотга эга инсонлар билан кам мулоқотда бўлишлари. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки бобо – бувиси билан яшовчи оила вакиллари фарзандлар тарбиясида

кекса авлод вакиллари насихатларига амал қилишлари туфайли ҳам бир мунча самаралироқ натижаларга эришадилар.

Оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантирувчи омилларни ўрганиш жараёнида биз тадқиқот юзасидан турли методларни таҳлил қилиб ўргандик. Тажриба – синов ишимиз давомида анкета, сўров, савол – жавоб, кузатиш, суҳбат, тест, педагогик таҳлил ва математик-статистика методларидан кенг фойдаландик. Ўрганаётган муаммомизнинг бугунги кундаги аҳамияти ва унинг ечимларини аниқлаш учун оила вакиллари билан анкета, сўров, савол – жавоб, кузатиш, суҳбат, тест методларидан фойдаланиб жавоблар олдик. Олинган жавобларни педагогик таҳлил методидан фойдаланиб таҳлил қилдик ва математик – статистика методидан фойдаланиб фоизлар кўрсаткичида аниқлик киритдик.

Тадқиқот ишини самарали олиб бориш учун ўзимизга оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантирувчи омиллар юзасидан қисқача маълумотларни қайд этиб олдик.

Оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантириш жараёни педагогик ходиса сифатида ўрганиб, бир қатор тушунчаларни ўз ичига олади. Педагогикада тарбия, таълим, маълумот асосий тушунчалар ҳисобланади.

<i>Бола шахсини шакллантиришнинг асосий тушунчалари</i>		
Тарбия	Таълим	Маълумот
Педагогик ходиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар системасини, малака ва куникмаларни махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бори шва унинг натижасида ҳар	Ижтимоий зарур билимлар, муайян куникма ва малакаларни укувчиларга сингдириш, уларнинг онгига бу хулкига таъсир этиш, дунёкараши ва билиш фаоллигини	Асосий педагогик тушунча бўлиб, унинг ижтимоий ҳаёт воқеаларини объектив акс эттиришдир. Маълумот кишини билишга булган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни

томонлама шаклланган кишини тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.	ривожлантиришдир. У инсонни меҳнатга ҳаётга тайёрлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг мақсади амага оширилади. Таълим икки томонлама жараён - уқитиш ва уқишни уз ичига олади.	маълум даражага кутаради ва амалиё фаолиятга тайёрлайди. Маълумот таълимнинг натижаси бўлиб, у киши томонидан билим, малака ва куникмаларни мустақил эгалашдир.
---	--	---

Тадқиқот ишини педагогик муаммо сифатида самарали яқунлашда тажриба-синов ишларининг илмий педагогик, ташкилий методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Оилаларда болалар шахсини шакллантирувчи омилларни тўғри тушуниб, бу орқали болаларни қонин инсон этиб тарбиялаш Ўзбекистан Республикасининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётга ёш авлодни тайёрлашга хизмат қилади. Тадқиқотимизнинг олдинги 1-бобида қайд этилганидек, "оила мустаҳкамлиги", "бола шахсини шакллантириш", болалар шахсини шакллантирувчи омиллар соҳасида турли қарама-қаршилик, тарбиянинг тарихий илдишларини ўрганишдаги турли муносабатлар, оилавий муносабатларни йўлга қўйиш мураккаб жараён эканлиги аниқланди.

Шуларни инобатга олган ҳолда тажриба- синов ишлари дастурини тайёрлашда қуйидагиларни инобатга олинди:

- Тадқиқотга таклиф қилинган янгиликнинг долзарблигини асослаш;
- Тажриба-синов ишларини объектив аниқлаш;
- Тажриба-синов ишларининг мақсадини белгилаш;
- Тажриба-синов ишларини ўтказишда методик ва технологик усулларини ишлаб чиқиш;

- Тажриба-синов ишларининг босқичларини белгилаш;
- Кутиладиган ишларни мезонларини белгилаш.

Оилаларда болалар шахсини шакллантирувчи омилларни тўғри тушуниб, бу орқали болаларни комил инсон этиб тарбиялашнинг назарияси ва амалиётини шакллантиришга бағишланган тажриба-синов ишларини амалга оширишдаги дастурнинг мақсади: тажриба-синов ишларининг муваффақиятли ташкил этишда Оилаларда болалар шахсини шакллантирувчи омилларни тўғри тушуниб, бу орқали болаларни комил инсон этиб тарбиялашни шакллантиришнинг шарт-шароитларини белгилаш. Ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни белгиладик:

1.Тасодифий ҳолатда тажриба-синов ишларини амалга оширишда оила вакиллари танланди ва респондент сифатида жалб этилди.

2. Оилаларда болалар шахсини шакллантирувчи омилларни тўғри тушуниб, бу орқали болаларни комил инсон этиб тарбиялашни шакллантиришда назарий ва методик билимлар билан оила вакиллари қуроллантирилди.

3. оила вакиллари ва маҳалла фахрийлари ҳамкорлигида оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантиришга оид кўникма ва малакалар оила вакилларида шакллантирилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш қуйидаги педагогик тамойилларга эътибор бериш лозим: мақсадга мувофиқлик,узвийлик,изчиллик, оила вакиллари жамоаси асосида ишлаш, оила вакилларининг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, ҳамда маҳалла ва жамоатчилик билан ҳамкорлик.

Оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантирувчи омилларни ўрганишдаги объектив ва субъектив омиллар:

-Оиланинг келиб чиқиш тарихи, оила мустаҳкамлигини таъминлашга оид манбаларни, болалар шахсини шакллантирувчи омилларни ўрганиш ва уларни таҳлил этишга қўйлади.

-Субъектив омиллар, оиладаги соғлом турмуш тарзи, аجدодларни ҳурматлаш, қариндошларга нисбаттан илиқ муносабат ва катталарнинг маънавий-ахлоқий шахсий намуналари.

Тажриба-синов ишлари учун Тошкент шаҳри Сергели тумани “Оқибат” маҳалласида истиқомат қилувчи оила вакиллари ўртасида амалга оширилди. Тенглик тамойили асосида тажриба назорат гуруҳларига бириктирилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишга оид тадбирлар:

1. Танлаб олинган оила вакилларининг шахси, маънавий-ахлоқий сифатлари, аجدод ва қариндошлариларидаги самимий муносабатлари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш учун болалар шахсини шакллантиришга доир тушунчаларни аниқлашга оид анкета сўровномаларини ўтказиш:

2. оила вакиллари томонидан оилада ўтказиладиган туркум тарбиявий тадбирлар (суҳбат, сайр, саёхатлар, тестлар).

3. Тажриба синов ишлари якуни, уларнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини таҳлил этиш.

Тажриба синов ишларининг босқичлари:

Асосий босқич:

Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантиришга оид тизимли, асословчи, шакллантирувчи тажрибалар ташкил этилди. Тажриба-синов ишларида респондент оила вакиллари аниқланди. Оила вакилларида оила мустаҳкамлигини таъминлашда болалар шахсини шакллантириш омилларини ўрганишга ёрдам берувчи тадбирлар ишланмалари ишлаб чиқилди.

Шакллантирувчи босқич:

Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш юзасидан кенг кўламда тажриба-синов ишлари амалга оширилди, тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган махсус методик синовдан ўтказилди.

Якуний босқич:

Олинган натижалар таҳлил қилиниб, умумлаштирилди ва Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантиришнинг назарияси ва амалиётини шакллантириш жараёни қиёсий таҳлил қилиниб, натижалар методик аниқланди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

3.2. Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш самарадорлиги.

Тадқиқот ишларининг самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш мақсадида биз кузатган ва илмий методик тавсияларни тадбиқ этилган оила вакиллари тажриба ва назорат гуруҳларига бўлган ҳолда кузатув ишларини ташкил қилдик.

Тажриба-синов ишларининг барча босқичларида оила вакиллари фаол иштирок этдилар.

Тажриба гуруҳларида оила вакиллари ёрдамида Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантиришнинг назарияси ва амалиётини аниқловчи мезонлар ва тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Тажриба гуруҳида оилаларни мустаҳкамлаш йўлида оилаларда мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш бораси ота – оналар билим даражасига кўра режа тузилди ва оилаларда комил инсонни тарбиялаш назарияси ва амалиётини шакллантириш даражаси мунтазам равишда аниқлаб, кўрсаткичлар ҳисобга олиб борилди.

Ота – оналар эътиборига қаратилган сўровномалар тартибидаги саволлар:

- 1.Оила нима?
- 2.Оилада оила мустаҳкамлиги учун ким маъсул?
- 3.Оилада бола неча ёшдан тарбияланиши керак?
- 4.Болалар тарбиясида кимлар иштирок этиши керак?
- 5.Болалар оила шароитида мактаб таълимига тайёрлангани маъқулми?
- 6.Бола неча ёшда шахс бўлиб вояга етади?

7. Болаларни шахс сифатида тарбиялашда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Юқорида қайд этилган саволларга респондент Ота – оналар жавоблари ва улар ўрганилган ҳолда қуйидаги кўрсаткичларни қўлга киритилди. Ота – оналарнинг биринчи турдаги анкета саволларига берган жавобларининг натижалари.

2.1.-илова

Саволлар тартиби №	Респондентлар сони ва олинган натижалари Жами: 30 нафар маҳалла фуқаролари			
	юқори	яхши	ўрта	паст
1	10	8	6	6
2	9	5	4	12
3	11	9	5	5
4	10	9	7	4
5	13	7	5	5
6	9	7	6	8
7	15	10	3	2

Гарчи респондентлар томонидан "оила", "оиланинг назарий асослари" атамалари ҳақида тўлиқ маълумот олинмаган бўлсада, шу мавзуда берилган саволларга қисман бўлсада тасаввурга эга эканликларидан қониқиш ҳосил килинди. Иккинчи саволга эса улар қуйидагича муносабат билдирдилар:

Оилада оила мустаҳкамлиги учун ким маъсуллиги ҳақида сўз борганда, 9 нафари юқори даражада, ота, 5 нафари яхши, қисман ота қисман она, 30 нафари оилада тажрибасиз. 30 нафари оилада фарзандлар шахсини шакллантирувчи омиллар ҳақида маълумот берилиши керак хулосага келишди.

Учинчи савол бўйича жавоблар куйидагича. Оилада бола неча ёшдан тарбияланиши керак (11 нафари юқори), Оилада бола неча ёшдан тарбияланишда оила аъзоларининг ҳамкорлиги (9 нафари яхши). Оилада бола тарбияси ҳақида суҳбат курамиз, лекин ўзимиз кўп нарсани билмаймиз (5 нафари). Қолган нафар респондентлар қониқарсиз жавоб қайтарганлар.

Тўртинчи саволга жавоблар куйидагича:

Болалар тарбиясида оиланинг барча аъзолари ва боланинг ўзи ҳам иштирок этиши керак (10 нафари юқори). Болалар тарбиясида оилада ким хоҳласа ўша одамлар иштирок этиши керак (9 нафари юқори). Қолган респондентлардан 7 таси ўрта ва 4 нафари паст кўрсаткичлар кўрсатдилар.

Бешинчи саволга респондентларнинг жавоблари куйидагича бўлди:

Болаларни оила шароитида мактаб таълимига тайёрлаш керак (13 нафари юқори).

Болалар оила шароитида мактаб таълимига тайёрлангани маъқул (7 нафари яхши).

Болаларни оила шароитида мактаб таълимига тайёрласа бўлади (5 нафари ўрта).

Олтинчи саволга жавоблар:

Болалар неча ёшда шахс бўлиб вояга етади 9 нафар юқори, 7 нафар яхши ва 6 нафар ўрта жавоб бердилар. Қолганларнинг берган жавоблари эса қониқарсиз деб топилди.

Болаларни шахс сифатида тарбиялашда барча омиллар бирдек аҳамиятли ва уларни ҳеч бирини безътибор қолдирмаслик лозим (15 нафар юқори). Болаларни шахс сифатида тарбиялашда таъсир этувчи ташқи куч ва ирсиятга алоҳида эътибор қаратиш лозим (10 нафар яхши), Болаларни шахс сифатида

тарбиялашда таъсир этувчи воситалар ҳақида тасаввурга эга бўлганлар (3 нафар ўрта) ва эга бўлмаганлар (2 нафар паст) ҳам бор.

Тадқиқот жараёнида тажриба ва назорат гуруҳлари учун оила аъзолари респондентларидан анкета сўровига жавоблар олинди. Анкетадан қуйидаги саволлар ўрин олди:

1. Бола шахсини шаклланишига таъсир этувчи омиллар қайсилар?
2. Болалар тарбиясига ким кўпроқ маъсул? Отами ё она
3. Бола шахсини шакллантириш учун энг муҳим омил деб нимани биласиз?
4. Болалар оила шароитида мактаб таълимига тайёрланган маъқулми?
5. Бола неча ёшда шахс бўлиб вояга етади?
6. Болаларни шахс сифатида тарбиялашда нималарга эътибор қаратиш лозим?
7. Оилада бола неча ёшдан тарбияланиши керак?
8. Болалар тарбиясида кимлар иштирок этиши керак?

Берилган саволларга респондентлар томонидан қуйидаги жавоблар олинди.

2.2.-илова

№	Жавоблар кўрсаткичлари							
	Тажриба гуруҳи 100 нафар ота - оналар				Назорат гуруҳи 180 нафар ота - оналар			
	юқори	яхши	ўрта	паст	юқори	яхши	ўрта	паст
№								
1	20	18	24	38	18	17	15	50
2	30	22	13	32	19	16	18	47

3	57	21	9	13	43	20	19	18
4	30	20	19	31	19	18	16	53
5	28	23	20	29	22	20	14	44
6	47	20	9	24	35	21	15	29
7	50	15	18	17	41	23	13	23
8	20	23	22	35	47	16	17	20

Тажриба гуруҳидаги энг юқори кўрсаткичлар 3, 6, 7 саволлар бўйича (35 нафардан) қайд этилган. Энг паст кўрсаткичлар эса 1- ва 8- саволлар бўйича (40 нафардан) қайтарилган. Назорат кўрсаткичлари бўйича эса юқори даража 3 ва 7 саволлар яъни (Бола шахсини шакллантириш учун энг муҳим омил деб нимани биласиз? Болалар тарбиясида кимлар иштирок этиши керак?) бўйича қайтарилган. Бундан маълумки назорат гуруҳлари респондентларнинг оила мустаҳкамлиги йўлида фарзанд тарбияси ҳақида тажрибасизликлари ва билимларини чуқур ўзлаштирмаганликларини кўрсатади. Тажриба гуруҳ респондентларини жавоблари таҳлили шуни кўрсатдики, саволларга берилган жавоблар тўғри ва айрим камчиликлардан ҳоли эмас:

3.3.Тажриба-синов ишларининг кўрсаткичлари.

Тадқиқот натижасида ўтказилган тажриба-синов ишлари жараёнида оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болаларни шахс сифатида камол топишларига таъсир этувчи омилларнинг назарияси ва амалиётини шакллантиришда алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба- синов ишларини иккинчи турдаги анкета сўровлари ташкил этилди ва оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялаш даражаси аниқланди.

Тадқиқотнинг якуний тажриба - синов босқичида оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашнинг назарияси ва амалиётини қай даражада шакланганлигини аниқлаш мақсадида мос равишда "дi", "дғ" деб белгиладик. Булар тасодифий миқдорлар бўлиб: 5 (юқори); 4 (яхши); 3 (ўрта); 2 (паст), каби қийматлар қабул қилинди. Бунда тажриба ва назорат гуруҳларида 100 нафардан иборат маҳалла фуқароларига нисбатан тажриба-синов ишларининг якуний босқичида қайта берилган 8 та ва 16 тадан саволларига нисбатан частоталар жадвали ҳосил қилинди.Респондент маҳалла фуқароларининг 1-2 тур анкета саволларига якуний жавоблари :

3.1.- илова

Саволлар	Жавоблар кўрсаткичлари							
	Тажриба гуруҳи маҳаллада истиқомат қилувчи тажрибали оилалар: 100 нафар				Назорат гуруҳи маҳаллада истиқомат қилувчи ёш оилалар: 100 нафар			
	юқори	яхши	ўрта	паст	юқори	яхши	ўрта	паст
1-савол	46	32	18	4	30	19	27	24
2-савол	45	31	19	5	26	22	27	25
3-савол	59	21	16	4	45	20	20	15
4-савол	48	26	17	9	30	21	20	29

5-савол	44	32	18	6	29	18	19	34
6-савол	40	30	20	10	31	23	19	27
7-савол	43	30	19	8	27	25	18	30
8-савол	46	32	14	8	30	19	23	28
9-савол	47	35	26	2	25	19	28	28
10-савол	48	31	15	6	30	28	16	26
11 -савол	52	30	13	5	35	20	10	35
12-савол	50	33	12	5	37	23	17	23
13-савол	47	31	16	6	32	20	21	27
14-савол	48	34	10	8	34	26	11	29
15-савол	45	35	15	5	40	25	10	25
16-савол	46	31	16	7	33	28	18	21
Жами:	754	494	264	98	514	356	304	426
Ўртачаси	47	31	16	6	32	22	19	27

Якуний тажриба-синов босқичида маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялаш назарияси ва амалиётини шаклланганлик даражасини 1-тур анкета саволларига респондентларнинг берган жавобларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда келтирамыз.

3.2.-илова

Гурухлар	Респондентлар сони	Жавоблар сони			
		Юқори	Яхши	Ўрта	Паст
Тажриба гурухи	100	47	31	16	6
Назорат гурухи	100	32	22	19	27

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаландик. маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялаш назарияси ва амалиётини шаклланганлик даражаси коэффиценти фоизларда

$$D = \frac{F}{M} 100\% \text{ формула орқали топилади.} \quad (1)$$

M

Бу ерда F - ўтказилган тажрибада тадқиқот доирасида тарбияланганлиги,

M – респондентлар, яъни маҳаллада истиқомат қилувчи оилаларнинг умумий сони.

3.3.- илова

№	Гуруҳлар Баҳо	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
1.	Юқори	47 $D_1 = \frac{47}{M} * 100\% = 47\%$	32 $D_2 = \frac{32}{M} * 100\% = 32\%$
2.	Яхши	31 $D_1 = \frac{31}{M} * 100\% = 31\%$	22 $D_2 = \frac{22}{M} * 100\% = 22\%$
3.	Ўрта	16 $D_1 = \frac{16}{M} * 100\% = 16\%$	19 $D_2 = \frac{19}{M} * 100\% = 19\%$
4.	Паст	6 $D_1 = \frac{6}{M} * 100\% = 6\%$	27 $D_2 = \frac{27}{M} * 100\% = 27\%$


Олинган маълумотларни Стъудент мезони ва Нейман ғояси асосида математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажрибадан олдинги ва кейинги натижаларни мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма X_i : юқори; яхши; ўрта; паст;
 (тажриба гурухи) m_i : 47; 31; 16; 6.
 $m=100$.

2-танланма Y_j юқори; яхши; ўрта; паст;
 (назорат гурухи) n_i 32; 22; 19; 27.
 $n=100$.

Бу танланмаларга мос келган диаграмма: 1.1.-расм



1.2. -расм. Тажрибадан олдин ва кейинги умумий кўрсаткичлар диаграммаси

Диаграммада қайд этилган графиклардан англанадики, тажриба ва назорат гурухлари учун танланма модал кийматлари мос равишда

$M_m = 5$ ва $M_n = 4$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_t > M_n$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади.

Мезонларга кўра, маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашнинг назарияси ва амалиётини шакллантирилганлик қай даражада эканлигини текшириб таҳлил қилдик.

Маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашнинг назарияси ва амалиётини шакллантиришнинг муайян мезонлар асосида аниқланган кўрсаткичлар.

Мезонларга кўра, маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашнинг назарияси ва амалиётини шакллантирилганлик қай даражада эканлигини текшириб таҳлил қилдик.

Маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашнинг назарияси ва амалиётини шакллантиришнинг муайян мезонлар асосида аниқланган кўрсаткичлари.

Маълум бўлдики, тажриба ва назорат гуруҳидаги маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашни назарияси ва амалиётини шаклланганлиги тажриба (тажрибали оила вакиллари) гуруҳлардаги респондентларга назорат гуруҳи (ёш оила вакиллари) респондентларига нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлигини аниқладик.

Маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашни назарияси ва амалиётини шаклланганлик кўрсаткичлари.

3.4.-илова

Балли кўрсаткичлар		Билим ва кўрсаткичлар	Тажриба	Назорат
“2”	1-балдан 12-балгача	Назарий билим ва тушунчалар етарли эмас	8	24
“3” ўрта	13-балдан- 18 балгача	Амалий кўникмалар мавжуд.	15	22
“4” яхши	19 баллдан 21 чбалгача	Назарий берилган тушунчалар билан амалий кўникма орасида боғланиш йўқлиги	34	18
“5” аъло	22 ва ундан юқори	Бола шахсини шакллантирувчи омиллар хақидаги назарий ва амалий билимлар етарли ва комиллик	47	30

Тадқиқотимизнинг бошида дастлаб маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашни назарияси ва амалиётини шакллантиришга оид билимдонлик ҳолатини аниқлашда анкета-сўровномалари орқали аниқлашга эътибор қаратган ҳолда 8 та саволга жавоб олган эдик. Тажириба-синов ишлари якунида 8 та савол асосида сўровларнинг иккинчи тури ўтказилди. Сўров натижалари ва кўрсаткичлари қуйидагича бўлди.

Респондент маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс

сифатида тарбиялашни назарияси ва амалиётини шакллантириш саводхонлиги.

3.5.- илова

Саволлар тартиби №	Олинган натижалар жами 200 нафар							
	юқори		яхши		ўрта		паст	
	Дастлабки натижа	Охири натижа	Дастлаб ки натижа	Охири натижа	Дастлаб натижа	Охири натижа	Дастлаб кинатижа	Охири натижа
1-савол	92	120	48	52	15	21	45	12
2-савол	62	98	48	50	30	34	70	23
3-савол	70	90	40	51	35	48	55	11
4-савол	78	90	32	58	30	43	60	9
5-савол	73	82	37	51	41	44	59	13
6-савол	74	89	37	53	39	41	50	17
7-савол	79	90	49	54	35	40	37	16
8-савол	90	115	39	45	41	44	20	6
Жами	77	97	41	52	33	38	49	13
Ўртачаси	618	774	330	414	266	305	396	107

маҳаллада истиқомат қилувчи оила вакиллари оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача таълим ёшидаги болаларни шахс сифатида тарбиялашни назарияси ва амалиётини шаклланганлик даражасини 2-тур анкета-саволларига респондентларнинг берган жавобларини 3.6.-иловадаги дастлабки ва охири натижаларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда келтирамиз.

3.6.-илова

Гурухлар	Респондентлар-	Жавоблар сони			
		Юқори	Яхши	Ўрта	Паст
Дастлабки натижа	200	97	52	38	13
Охирги натижа	200	77	41	33	49

Буни фоизларда ҳисоблаш учун (1) формуладан фойдаланамиз.

3.7.-илова

№	Гурухлар Баҳо	Дастлабки натижа	Охирги натижа
1.	Юқори	$\frac{97}{200} * 100\% = 48,5\%$	$\frac{77}{200} * 100\% = 38,5\%$
2.	Яхши	$\frac{52}{200} * 100\% = 26\%$	$\frac{41}{200} * 100\% = 20,5\%$
3.	Ўрта	$\frac{38}{200} * 100\% = 19\%$	$\frac{33}{200} * 100\% = 16,5\%$
4.	Паст	$\frac{13}{200} * 100\% = 6,5\%$	$\frac{49}{200} * 100\% = 24,5\%$

Олинган маълумотларни юқоридаги мезон асосида таҳлил қиламиз.

Дастлабки ва охирги натижаларни мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма X_i : юқори; яхши; ўрта; паст;

(дастлабки натижа) m_i : 97; 52; 38; 13


$m = 200$

2-танланма Y_j : юқори; яхши; ўрта паст;

(охирги натижа) n_i : 77; 41; 33; 49

$n = 200$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидаги кўринишни олади.



■ Дастлабки натижа ■ Охирги натижа

Тажриба-синов ишларининг яқунлари таҳлили қуйидагича тавсиялар чиқаришга имкон яратди:

1.Оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, унда жамиятнинг бўлғуси эгалари тарбияланади. Оила – бола учун дастлабки ҳаёт мактаби. Ота – она эса боланинг биринчи тарбиячиларидир. Шундай экан боланинг шахс бўлиб шаклланиш жараёнида самарадорликка эришиш мақсадида ота – оналар учун методик таъминотни яратиш.

2.Болаларни оилада шахс бўлиб шаклланишида ўз шахсий сифатларини билишга ундовчи узлуксиз таълим жараёнида “Болалар анатомияси ва физиологияси асослари”, “Педиатрия ва болалар гигиенаси”, тарих, одобнома, ижтимоий ва оила психологияси, педагогика фанларидан тушунчага эга бўлишлари орқали ўзбек халқининг миллий қадриятлари келиб чиқиш тарихий илдизларини билишга уйғотиш ва уларда ифтихор, ғурур, фахр ҳисларини шакллантириш.

3.Маҳалла, мактаб ва жамоат жойларида тадбирлар орқали ота – оналар билими, малака ва кўникмаларини шакллантириб бориш мақсадга мувофиқдир.

4.Боланинг шахс бўлиб шаклланишида ватанимизнинг турли тарихий обидалари, музейлари истироҳат боғлари ва қадамгоҳларга тартибли равишда саёҳатларни ташкил этиш. Уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот бериш.

5.Мустақиллик тарихида жасорат билан меҳнат қилаётган инсонларда комиллик ҳиссини тарбиялашда, уларнинг ижодиёти ҳақида тартибли билим бериш. Мустақил Ўзбекистон фуқароси баркамол авлодда ғурурланишга имкон яратади.

6.Оилада бола шахсини шакллантириш самадорлигини ошириш мақсадида радио ва телевиденияда маънавий туркум эшиттиришлар, кўрсатувларни ташкил этиш эса энг долзарб масаладир.

III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Тажриба – синов ишлари давомида йўналтирилган восита ва етакчи омиллар ижобий натижа беришини тасдиқлади. Тажриба – синов ишлари натижаларининг таҳлили бола шахсининг шаклланиши воситасида комил ва баркамол инсон этиб тарбиялашни назарий ва амалиётни шакллантиришда олий таълим муассасасида фалсафа, тарих, оила педагогикаси ва оила психологияси каби фанлардан олган билимлари муҳим восита бўлиб хизмат қилиши, бу билимлар оила шароитида ҳам ривожлантирилиши зарурлигини кўрсатади.

Педагогик йўналишда амалга оширилувчи тадқиқотларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга шартлардан бири махсус механизмнинг ишлаб чиқиш саналади. Амалий фаолият натижаларини кўрсатишга тажриба – синов ишларини қуйидаги дастурга мувофиқ амалга ошириш илмий изланиш самарадорлигини таъминлади.

Тажриба – синов ишларининг махсус дастур асосида ташкил этилиши уларнинг самарадорлигини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга тадқиқотнинг муваффақиятли кечишга ҳам замин яратади. Тажриба – синов ишларининг самарали якунланганлигини тасдиқлади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

“Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг педагогик хусусиятлари” мавзуси доирасида олиб борган илмий тадқиқот ишим давомида диссертацияни уч боб қилиб шакллантирилди. Мавзуни ёритиш давомида оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омилларининг назарий асослари, ҳадис ҳикматлари ва мутафаккирлар ижодининг ноёб дурдоналари фалсафий, психологик, педагогик қарашларига оид манбалар ўрганиб таҳлил этилди.

Оила мустаҳкамлиги йўлида мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантиришга қаратилган ишлар юзасидан кузатиш ва изланишлар олиб бориш шуни кўрсатдики, болаларни шахс сифатида шаклланиши борасида гарчи, кўп ишлар олиб борилган бўлсада, лекин ҳар бир оилада болани шахс бўлиб шаклланиши муҳим бир босқич ҳисобланади. Чунки бунга ҳар бир ота – она чуқурроқ ёндашиб имкон қадар боласи билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, оилавий тарбияга жиддий эътибор бериш зарур. Оиладаги тарбия – бу умумий ижтимоий тарбия жараёнининг шундай босқичи, у инсоннинг кейинчалик бутун умри давомида оладиган маърифат ва ҳаёт сабоқлари учун асос, замин, пойдевор вазифасини ўтайди.

Оилани мустаҳкамлашда болалар шахсини шакллантириш уларни маънавий – ахлоқий комолотида мукаммал, етук ва баркамол инсон бўлиб етишиш ғоят катта тарбиявий таъсир қудратига эга. Оилада энг яхши ва олижаноб анъаналар руҳида тарбияланган бола ўзини англашга, ўзлигини кўрсатиб, ўз шахсини намоён этишга ҳаракат қилади.

Бола шахсини шакллантириш борасида педагоглар, психологлар ва мутафаккирлар қандай ишлар олиб борганлигини ўрганиб чиқилди ва турли метод, усуллар назарияси очиб берилди.

Диссертациянинг иккинчи бобида оилада мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари, бола шахсини шакллантиришда мактабгача таълим муассасаси, оила, мактаб ҳамда маҳалла жамоасининг ҳамкорликдаги фаолиятлари хусусида бола шахсини шакллантириш омилларининг педагогик – психологик жиҳатлари ва оила мустаҳкамлиги йўлида болалар шахсини шакллантириш омилларининг самарадорлигига оид манбалар ўрганилиб, таҳлил этилди.

Мазкур бобда мактабгача ёшдаги болалар шахсини шакллантириш омиллари юзасидан кузатиш ва изланишлар шуни кўрсатдики, бола шахсини шакллантириш омиллари борасида кўп ишлар олиб борилган бўлсада, лекин бунга педагогик – психологик жиҳатдан ёндашиб, у мактабгача таълим муассасасида бўладими, оиладами, мактабдами ва маҳалла жамоасидами ҳар бир йўналишда бола ўз шахсий сифатларини ўзида намоён эта билиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Ҳар томонлама шаклланган ривожланган бўлиши ва жамиятга нафи тегадиган инсон яъни шахс бўлиб етишмоғи даркор.

Мавзуни ёритиш давомида тажриба – синов ишлари олиб борилиб, тажриба – синов ишлари давомида йўналтирилган восита ва етакчи омиллар ижобий натижа беришини тасдиқлади. Тажриба – синов ишлари натижаларининг таҳлили бола шахсининг шаклланиши воситасида комил ва баркамол инсон этиб тарбиялашни назарий ва амалиётни шакллантиришда олий таълим муассасасида фалсафа, тарих, оила педагогикаси ва оила психологияси каби фанлардан олган билимлари муҳим восита бўлиб хизмат қилиши, бу билимлар оила шароитида ҳам ривожлантирилиши зарурлигини кўрсатади.

Педагогик йўналишда амалга оширилувчи тадқиқотларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга шартлардан бири махсус механизмни ишлаб чиқиш саналади. Амалий фаолият натижаларини кўрсатишга тажриба – синов ишларини қуйидаги дастурга мувофиқ амалга ошириш илмий изланиш самарадорлигини таъминлади.

Тажриба – синов ишларининг махсус дастур асосида ташкил этилиши уларнинг самарадорлигини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга тадқиқотнинг муваффақиятли кечишга ҳам замин яратади. Тажриба – синов ишларининг самарали якунланганлигини тасдиқлади.

Тадқиқот ишларининг якунлари таҳлили қуйидагича тавсиялар беришга имкон яратди:

1.Оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, унда жамиятнинг бўлғуси эгалари тарбияланади. Оила – бола учун дастлабки ҳаёт мактаби. Ота – она эса боланинг биринчи тарбиячиларидир. Шундай экан боланинг шахс бўлиб шаклланиш жараёнида самарадорликка эришиш мақсадида ота – оналар учун методик таъминотни яратиш.

2.Болаларни оилада шахс бўлиб шаклланишида ўз шахсий сифатларини билишга ундовчи узлуксиз таълим жараёнида “Болалар анатомияси ва физиологияси асослари”, “Педиатрия ва болалар гигиенаси”, тарих, одобнома, ижтимоий ва оила психологияси, педагогика фанларидан тушунчага эга бўлишлари орқали ўзбек халқининг миллий қадриятлари келиб чиқиш тарихий илдизларини билишга уйғотиш ва уларда ифтихор, ғурур, фахр ҳисларини шакллантириш.

3.Маҳалла, мактаб ва жамоат жойларида табдиллар орқали ота – оналар билими, малака ва кўникмаларини шакллантириб бориш мақсадга мувофиқдир.

4. Боланинг шахс бўлиб шаклланишида ватанимизнинг турли тарихий обидалари, музейлари истирохат боғлари ва кадамгоҳларга тартибли равишда саёҳатларни ташкил этиш. Уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот бериш.

5. Мустақиллик тарихида жасорат билан меҳнат қилаётган инсонларда комиллик ҳиссини тарбиялашда, уларнинг ижодиёти ҳақида тартибли билим бериш. Мустақил Ўзбекистон фуқароси баркамол авлодда ғурурланишга имкон яратади.

6. Оилада бола шахсини шакллантириш самадорлигини ошириш мақсадида радио ва телевиденияда маънавий туркум эшиттиришлар, кўрсатувларни ташкил этиш эса энг долзарб масаладир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 20 - 29 б.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 31 - 64 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2010. 12 – 13 –б

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон ўзистиклол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992. 23 -74 - б
5. И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент 1998. 46 - б
6. Каримов И.А. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 2000. 66 – б
7. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент.: 1997. 25 – б
8. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 24 б

III. Китоб ва туркум нашрлар

Бир муаллифликдаги нашрлар

9. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-160 б.
10. Аҳмедов Б. Аждодлар ўғити.- Т.: Чўлпон, 1991.- 113 б.
11. Бутенко И.А. Юнуй читатель и библиотека: (Чтение девочек и чтение мальчиков) // Книга. Исследования и материалў. - М.: Книга, 1999.- С. 53-64.

12. Волкова Е.И. Ота – онанинг тарбиячилик вазифаси. Т.: –1957. – 15 – 22 – 24– 25 – 37 – б.
13. Вохрўшева М.Г. Библиография в системе культурў. - Самара, 1993.- 124 с.
14. Восикова М. Оила ва қонун. – Т.: “Адолат”, 1996. – 21 – 34 – б
15. Дворкина М.Я. Библиотечное обслуживание: теоретический аспект: (Монография). - М.: МГИК, 1993.- 249 с.
16. Дети и подростки в мире книжной культурў: По итогам социол. исслед.: Сб. науч.тр. / РГБ; сост. А.И.Лебедева.- М., 1993. - 128 с.
17. Доримий : 4 - жилд 339 - б
18. Доримий : 5 – жилд 266, 612 - б
19. Сафо Очил. Инсон Зийнати одобир. Т.:Ўқитувчи,1996. 69 – 78 – б
20. Суютий: 2 – жилд., 76 - б
- 21.Тўраева О. Оила – муқаддас кўрғон.Тошкент: Чашма принт, 2009. 4-6-б
22. Мастерство и личность учителя. Е.И. Пассова и др. – М.: Наука, 2001. – 240 с
23. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. (психологические проблемы). – М.: Дело. 1994. – 215 с.
24. Маркова А.Н. Психология труда учителя. (Кн. для учителей). – М.: Просвещение. 1993. – 190 с.
25. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Ўзбекистон, Т.: 2008. – 17 – б
26. Маҳкамов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. Т.: Фан, 1995. 62 –69–б
27. Мунавваров А. Қ. Оила педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 53 – 57– б
28. Норқулов Н. Мустақиллик шароитида оила ва тарбия. Низомий номидаги ТДПИ, 1994. 33 –35 – б
29. О.У.Хасанбоева таҳрири остида “Оилада баркамол авлод тарбияси”, ўқув қўлланма “Фан ва технология”. Т: 2010 йил. 5 – 26 – бетлар

30. О. Мусурмонова “Оила маънавияти – миллий ғурур” Т: “Ўқитувчи” 1999 йил. 42 – 43 б
31. О. Хасанбоева ва бошқ. – Оила педагогикаси. – Т.: Илм Зиё, 2007. – 116–119– б
32. Оила психологияси. Профессор Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида. Тошкент – 2001 й. “Шарқ” Нашриёт – матба акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Ў 15, О – 38. 10-11 бетлар.
33. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-кн. – М.: Гуманитарный изд. центр. Владос, 1999. кн. – 576 с.
34. Подласый И.П. Педагогика. Учебник. Книга 1. – М.: Владос, 2002. – 573 с.
35. Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Оила. Тошкент: Меҳнат, 1991. 7- 8- б
36. Иномова М. – Оилада болаларнинг маънавий – ахлоқий тарбияси. –Т.: 1999. – 8 – 10 – б.
37. Левин В.А. Когда маленький школьник становится большим читателем. - М.: Лайда, 1994. - 180 с.
38. Ш.Содиқова Мактабгача педагогика. Тошкент – 2012 ил. “Фан ва технология” нашриёти. 210-211-212-213-214-215 – бетлар.
39. Зуннунов А. Оилада бола шахсини шакллантириш. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 3– 14 – б
40. Зарипов К.З. Педагогическая диагностика в системе непрерывного повышение квалификации учителей. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. докт. пед. наук.-Т.: 1990, 35 с.
41. Зуннунов А. Педагогика тарихи. Тошкент: Шарқ, 2004. 293 – 294 – 296–300– 302–303 –б
42. Замахшарий: 3 – жилд., 217 – б
43. Ғаззолий: 1 – жилд., 49 - б
44. Ғаззолий: 2 – жилд., 121 – б

Икки ва ундан ортиқ муаллифликдаги нашрлар

45. Алқаров И.Ш., Маматқулов Р., Норқулов Х., Шахс ва оила тарбиясининг педагогикаси. – Т.: 2009. – 18 – б.
46. Ж.Хасанбоев, Х.Тўрақулов, И.Асқаров, Н.Усмонов. “Педагогика” “Ношир”. Тошкент. 2011 йил. – 32 – б.
47. Узоқов Х., Ғозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. Т.: Ўқитувчи, 1992. 87-91-б
48. Узоқов Х., Ғозиев Э., Орипова Л. Оила ахлоқи ва одоби. Тошкент, 1995. 5-6-155-б
49. Файзиева М., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. Т.: Янги аср авлоди, 2000. 26-27-32-37- б
50. Р.Мавлонова, Н.Воҳидова, Н.Раҳмонқулова. “Педагогика назарияси ва тарихи”. Тошкент. 2010 йил. 74.00 да 73 №41. 19-20-21-22-23-24 – бетлар.
51. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 87 – 88 – б
52. Зияев С., Хайдавор К. Миллий ғоя ва маънавий тарбия. Самарқанд, 2011. – 71 – 73–79 – б

IV. Газета ва журналларга ҳаволалар

53. Абдулла Авлоний маънавий меросини ўрганамиз мавзусидаги Республика илмий – амалий конференция материаллари. Тошкент 20 – июнь 2008 йил. 106 – 107 – б
54. “Бола ва замон” журнали. № 3/2007 (8) 50-бет.
55. Донишмандлар тарбия хусусида. Тошкент. “Ўқитувчи” – 1982 йил. 16 бет.
56. “Тарбия” журнали 1 – сон (41) 2012 йил. 2-3-4-5 – бетлар.
57. “Тарбия” журнали. 3 – сон (43) 2012 йил. 7-8 бетлар.
58. Низомий номидаги ТДПУ. Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясининг қадриятли босқичини лойиҳалаш ва амалга ошириш. Тошкент: 2010. 21 -22- б

59. Оила бир гулшанки Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълим Вазирлиги нашрга тавсия этган. Т.: Ўқитувчи, 1996. – 9 б
60. Оила этикети ёхуд оила даврасида одоб қоидалари. Тошкент. “Янги аср авлоди” 2011 йил. 16-17-18 – бетлар
61. Халқ таълими журнали 5 – сон 2001 йил. 29 – 31 – б
62. Халқ оғзаки ижоди. Ўзбек халқ мақоллари 65 мавзуда мақоллар гулдастаси. “Янги аср авлоди” 2012 йил. 120-121-122-123- бетлар.

Илова

Таянч сўзлар луғати

№	Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида
1	Оила	Семья	Family
2	Оилавий педагогика	Семейная педагогика	Household pedagogika
3	Тарбия	Воспитание	Education

4	Тараққиёт	Развитие	Development
5	Дорилфинун	Высшее учебное заведение	High educational institution
6	Таълим	Учение	Teaching
7	Бола шахси	Личность ребенка	Personality child
8	Мақсад	Цель	Purpose
9	Жисмоний тарбия	Физическое воспитание	Physical education
10	Соғлом муҳит	Здоровая обстановка	Sound situation
11	Мустаҳкамлаш	Укрепить	Consolidate
12	Фазилатлар	Достоинства	Value
13	Феъл – атвор	Характер	Nature
14	Муносабат	Отношение	Attitude
15	Кўникма	Навыки	Skills
16	Ҳатти – ҳаракат	Действия	Actions
17	Нафрат	Раздражение	Irritation
18	Тасаввур	Представление	Presentation
19	Дунёқараш	Мировоззрение	Worldoutlook
20	Таянч	Основа	Base
21	Иттифоқ	Союз	Alliance
22	Ибрат	Пример	Example

23	Зиддият	Противоречие	Contradiction
24	Истеъдод	Талант	Talent
25	Ҳамжиҳатлар	Единство	Unity
26	Муваффақият	Удача	Good luck
27	Эътиқод	Эффективность	Efficiency
28	Мусаффолик	Вера	Faith
29	Самарадорлик	Чистота	Purity
30	Малака	Квалификация	Qualification
31	Восита	Средство	Facility
32	Кузатув	Наблюдать	Observe
33	Зиёрат	Паломничество	Pilgrimage
34	Натижа	Результат	Result
35	Хулоса	Вывод	Conclusion
36	Маънавият	Духовность	Duhovnosti
37	Ўйин	Игра	Play
38	Тавсия	Рекомендация	Recommendation
39	Тарбиячи	Воспитатель	Vospitатели
40	Миллий	Национальный	National
41	Инсон	Человек	Persons
42	Азалий	Древний	Ancient
43	Маориф	Образование	Formation
44	Асар	Произведение	Product
45	Олим	Учённый	Taught

46	Тарбия	Воспитание	Education
47	Қарашлар	Взгляды	Glances
48	Асосчи	Основатель	Founder
49	Қадимий	Древний	Ancient
50	Узлуксиз	Беспрерывный	Continuous
51	Уйғунлик	Соответствие	Correspondence to
52	Англаш	Означать	Mean
53	Мустақиллик	Независимость	Independence
54	Буюк	Великий	Great
55	Неъмат	Благо	Good
56	Холис	Беспристрастный	Impartial
57	Талқин	Интерпретация	Interpretation
58	Тушуниш	Понимать	Understand
59	Ўзлаштириш	Осваивать	Master
60	Таъсир	Влияние	Influence
61	Мурувват	Человечность	Humanity
62	Тасаввур	Представление	Presentation
63	Ижтимоий	Общественный	Public
64	Сиёсий	Политический	Political
65	Садоқат	Преданность	Devotion
66	Назария	Теория	Theory
67	Асосий	Основной	Main
68	Тамойил	Склонность	Sklonnost'
69	Объектив	Объектив	Lens
70	Ёндашув	Подход	Approach

71	Баҳолаш	Оценить	Value
72	Тадқиқот	Исследование	Study
73	Жараён	Процесс	Process
74	Жараён	Процесс	Process
75	Қадриятлар	Ценности	Value
76	Хулоса	Вывод	Conclusion
77	Маориф	Образование	Formation
78	Вазифа	Задача	Problem
79	Мазмун	Содержание	Contents
80	Шакл	Форма	Form
81	Услуб	Стиль	Stil'
82	Тараққиёт	Прогресс	Progress
83	Устувор	Устойчивый	Firm
84	Ўзига қамраб олиш	Заключать в себе	Zaklyuchat' in itself
85	Фарзанд	Ребёнок	Child
86	Соғлом	Здоровый	Sound
87	Вояга етишини	Переходный период	Connecting period
88	Амалиёт	Деятельность	Activity
89	Истак	Намерение	Intention
90	Кифоя	Достаточно	It is Enough
91	Кўмак	Поддержка	Support
92	Муносабат	Отношение	Attitude
93	Иқтисодий	Экономический	Economic
94	Бевосита	Непосредственно	Directly
95	Қудратли	Могущественный	Mighty

96	Тафаккур	Мышление	Thinking
97	Таъриф	Описание	Description
98	Мужассам	Воплощённый	Incarnate
99	Адолатли	Справедливый	Equitable
100	Шогирд	Ученик	Pupil